Қишлоқ ҳақиқати

قیشلاق حقیقاتی

1993 йил 29 май
ШАНБА
№ 62 (5.504).
НАРХИ: обуначига 3 сўм, сотувда 5 сўм.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ҚИРҒИЗИСТОН ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

Қирғизистон Республикасининг Президенти Асқар Акаев бошчилигидаги ҳукумат делегацияси 27 май куни Тошкентга келди. А. Акаев Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов билан учрашди. Суҳбат чоғида Қирғизистон ўз валютасига ўтиши натижасида иқтисодий муносабатларда вужудга келган муаммолар муҳокама қилинди. Давлат бошлиқлари қўшни республика аҳолиси қўлидаги рубларни тезроқ қайтариб олиш, бу пуллар Ўзбекистонга ўтишига йўл қўймаслик воситаларини муҳокама қилдилар.

Сўнгра музокаралар делегация аъзолари иштирокида давом эттирилди.

И. КАРИМОВ ва А. АКАЕВнинг журналистлар билан учрашуви

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаевнинг 27 май куни Тошкентда журналистлар билан бўлиб ўтган учрашуви бир масалага — Қирғизистоннинг ўз валютаси — сомга ўтиши муносабати билан ўзаро алоқалар ва ўзаро ҳисоб-китоблар масаласига бағишланди.

Ўзбекистон раҳбари оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашувни очар экан, ўз валютасига ўтиш ҳар қандай мустақил давлатнинг ҳуқуқи эканини таъкидлади. Бинобарин, яқин қўшниларнинг қарорлари қораланмаслиги керак. Бироқ, пулнинг шу қадар тез алмаштирилиши, бу ҳақда ҳамдўстликдаги бошқа давлатлар, биринчи навбатда Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар хабардор қилинмагани жиддий оқибатларга олиб бориши мумкин. Ҳозирги вақтда энг муҳими — Қирғизистон аҳолиси қўлида тўпланиб қолган жуда кўп миқдордаги рубллар Ўзбекистонга оқиб келишига йўл қўймасликдан иборат. Нақд пулни қайтариб олишнинг таъсирли ва самарали воситасини ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон ҳам ўз валютасига ўтиш йўлидан бормоқда, деди Ислом Каримов. Бироқ, бунинг учун жиддий шарт-шароитлар, мустаҳкам иқтисодий пойдевор зарур, яъни олтин ва валюта захиралари, молларнинг мавжудлиги, жаҳон бозорига ўз маҳсулоти билан чинакамига чиқиб олиш зарур бўлади. Бу талаблар бажарилмас экан, пулни алмаштириш ижтимоий-иқтисодий вазиятни кескинлаштиради, холос.

Ўзбекистон Президенти қўшни республикалар ўртасидаги муносабатларни кескинлаштириш учун Қирғизистоннинг сомга ўтишидан фойдаланишни хоҳлаётган кучлар мавжудлигини таъкидлади. Уларнинг бу ниятлари беҳуда кетади. Икки мамлакат халқлари кўп асрлардан буён ёнма-ён яшаб келмоқда, улар тили, маданияти, урф-одатлари ва анъаналари ҳам бир қонқардошлардир. Шу сабабли ҳозирги қийин вазиятда вужудга келган муаммоларни тезроқ ҳал этиш учун барча ишларни қилиш керак.

Асқар Акаев Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбирининг ёш давлат ўз валютасига шу қадар яширинча ва тезкорлик билан ўтишига яқин қўшнилари қандай муносабатда бўлишини эътиборга олдими, Қирғизистонга ажратилган ғарб сармоялари қанчага етади, деган саволига очиқ ва рўй-рост жавоб қайтарди. У Қирғизистон ҳукумат делегациясини самимий кутиб олгани учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. Вужудга келган муаммоларни Тошкентда тушуниб, зўр эътибор билан қараганликларини таъкидлади. Қирғизистон Президенти икки томонлама шартномада кўзда тутилганига қарамай, Қирғизистон Республикасининг ҳукумати ўз валютасига ўтиши ҳақида қўшнилари белгиланган муддатда хабардор қилмагани учун таассуф билдирди.

Ғарб сармоясига келганда эса, Россия тажрибасини ҳисобга олиб, уни узоқ кутишга тўғри келади.

— Биз сомни жорий этиб таваккал қилдик, — деб таъкидлади А. Акаев. — Иқтисодий вазиятнинг мураккаблиги шундай чора кўришга мажбур қилди. Бизни катта синовлар кутаётганини тушунамиз. Ислом Каримов рубларни республикамиздаги муомаладан чиқариб олишнинг энг мақбул вариантини таклиф қилгани жуда кўнгилдагидек бўлди. Ўз пулини жорий этиш мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли, дўстона алоқаларга салбий таъсир қилмаслиги керак. Очиғини айтаман: биз Тошкентга хатони тўғрилаш, вужудга келган келишмовчиликни бартараф этиш учун келдик. Биз бунга муваффақ бўлдик.

Ислом Каримов билан Асқар Акаев журналистларнинг бошқа саволларига ҳам жавоб қайтардилар.

(ЎзА).

ЖАМҒАРМАНИНГ ЁРДАМИ

ДУШАНБЕ. БМТ ижроия кенгаши сессиясида Тожикистондаги болалар саломатлигининг аҳволи масалаларига бағишланган маъруза тингланганч, халқаро ташкилотнинг Болалар жамғармаси республикага икки миллион доллар миқдорида инсонпарварлик ёрдами бериш ҳақида қарор қабул қилди.

(ЎзА).

Истиклол фидойилари

Деҳқон меҳнати тўғрисида кўп гапирамиз, кўп ёзамиз. Аммо уни меҳнат кишиси ҳис этганчалик англамоқ учун бошдан кечирмоқ керак. Пахта деганда кўз ўнгимизда оппоқ момиқлар зумда намоён бўладию бироқ уни етиштиргунча не-не машаққатлар чекилганлиги аён бўлавермайди. Ғўзага парвона бўлишда сувчи билан механизаторни кўп тилга олармизу негадир заҳматкаш, оддий чопиқчиларни кўпам эслайвермаймиз. Ҳолбуки, тракторчи кабина соясида ўтиради, сувчи сувини тараб, қулайроқ жойга чўккалайди. Чопиқчичи! Чопиқчи кун иссиғида ҳам жазирамани писанд этмай, қуёш нурларининг оловли заҳрига балогардон елкасини тутиб, қанча куч-ғайрат билан кетмон чопади. Шуларни ўйласанг, «Топган пули, еган оши ҳалол бўлсин, дарду заҳмат кўрмасин» дегинг келади беихтиёр.

Маҳсумгина боқиб турган Сапурахоннинг суратига қараб шу фикрлар хаёлдан ўтди. Эҳ-ҳе, унга ўхшаган опа-сингиллар мустақил днёримизда озмунчами! Шундайларнинг маржон-маржон пешона тери, сидқидил меҳнати билан пахта хирмонларимиз чўнг, пурвиқор бўлаяпти. Шундайлар ҳамиша бор бўлишсин, омон бўлишсин!

Сапурахон Учкўприк туманидаги «Оқсув» жамоа хўжалигининг «Ўқчи» бўлимига қарашли Валижон Йўлдошев бригадасида ишлайди. Айни пайтда дала юмушларида фаол. Топшириқни виждонан, пишиқ-пухта бажаради. Аҳил жамоа 250 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ошириб чўл дурдонаси етиштиришга бел боғлаган экан, бунда Сапура Ашурованинг ва унга ўхшаганларнинг муносиб ҳиссаси кўпилади.

СУРАТДА: пахтакор Сапурахон Ашурова.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

БАРЧА ТАРМОҚ ЭЪТИБОРДА

Ер — хазина манбаи. Бунга ўз тажрибам мисолида чуқур ишонч ҳосил қилдим. Ўрта мактабни тугатиб армия хизматини ўтаб қайтгач, техника сирларини ўргандим. Ўн йил трактор миниб, деҳқонларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилдим. Сўнгра 8-бригада аъзолари ўзларига етакчиликка сайлашди. Шунга ҳам роса 16 йил бўлди. Албатта, механизаторлик билан бригадирлик ўртасида катта фарқ бор. Кўпчиликка бош бўлиш, жамоа тақдири билан яшаш осон эмас. Ўшанда тадбиркор, тажрибали деҳқонлар билан маслаҳатлашиб иш юритдик. Бир-биримизга билганларимизни ўргатдик. Ҳамжиҳатлик, аҳиллик, меҳнатсеварлик бор жойда муваффақият ёр экан. Бригадамиз хўжаликдагина эмас, районда ҳам илғорлар қаторидан ўрин олди.

Жамоамиз аъзолари ихтиёрида 97 гектар экинзор мавжуд. Унинг ҳар қаричидан фойдаланиб, турли нозне-ъматлар етиштириб келаяпмиз. Жорий йилда ҳам буғдой, картошка, дон учун маккажўхори ўстирилмоқда. Республикамиз раҳбарияти кейинги йилларда халқимиз манфаатларини кўзлаб қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Жойларда озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, буғдой етиштириш кўпайтириш тўғрисидаги кўрсатмалар шуларнинг биридир. Бригадамизда 29 гектар ерда буғдой, 4 гектарга арпа сепилган. Буғдойдан гектарига 40 центнердан, арпадан эса 50 центнердан ҳосил олиш кўзланган.

Ўз далаларимизда ўстирилган, заминимиздан қувват, қуёшимиздан баҳра олиб етилган галлани тегирмонда тортиб, ун қилиб, тандирда пишириб еганга нима етсин. Экин парваришида айниқса Ҳаловат Жумаева бошлиқ звено ғайрат кўрсатаяпти.

Ўн гектар ерда картошка гуркираб ўсаяпти. Уни механизатор Жалол Тошев сеялка билан қадаганди. Ҳозирда қатор ораларига сифатли ишлов берилмоқда. Бу борада Ж. Тошев билан биргаликда Раҳмон Атоев астойдил тер тўкмоқда.

Бўлиб ўтган ёғингарчиликлар бизга ҳам анча-мунча ташвиш келтирди. Экинлар ривожи бирмунча кечикди. Шунга қарамасдан меҳнатнинг зўри билан далалар кўрки, чиройи тобора очилмоқда. Шу кунги юмушларни бажаришда Ўлмас Ботиров, Қобил Қосимов, Раҳмат Ражабов звенолари ўрнак бўлишмоқда. Бригадамизда ишимизда муаммолар ҳам йўқ эмас. 13 гектар майдонга шоли экишни мўлжаллагандик. Уруғини топиш осон бўлмади. Шунингдек, бир неча йил олдин арава олиб келгандик. Афсуски, уни ҳануз ишлатмаяпмиз. Негаки, от йўқ. Агар бўлганда талай юмушларни у билан уддалардик. Жамоамиз аҳли экинлардан мўл ҳосил етиштириш, эл дастурхони тўкинчилигига ҳисса қўшиш учун бор имкониятларни ишга солаверади. Зероки, ҳалол меҳнат қилган кишини она ер қуруқ қўймайди, ноумид қилмайди.

Аваз ЖУМАЕВ,
Тайлоқ районидаги Садриддин Айний номли жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи.

ҚЎШ ХАБАР

Қаршн районидаги «Қовчин» жамоа-ширкат хўжалиги пахтакорлари шу кезларда тўлиқ гектарлар яратиш, яганалаш, қатор ораларига ишлов бериш каби юмушларни қизғин амалга оширмоқдалар. Илғор бригадаларда дастлабки ишлов ниҳоясига етказилди. Иброҳим Назаров, Норбой Пиримов, Тожи Тўраев, Рустам Облоев каби механизаторлар чопиқ тракторларини самарали ишлатиб, ҳар бири кунига 4—4,5 гектар майдондаги ниҳол қатор ораларини сифатли юмшатмоқда. Жўра Султонов, Баҳодир Абдуллаев, Марат Бозоров бошлиқ бригадаларда ғўзалар дуркун ривожланиб, кўкка бўй чўзмоқда.

Ҳ. НАЗАРОВ.

Рўзибой Матжонов ва Мамбетсобир Қаландаров Эллиққалъа районидаги «Қирққизобод» жамоа хўжалигида юқори ҳосилли илғор бригадаларга етакчилик қилишади. Ҳар иккала жамоа ҳам кўкламги экиш-тикишни ва бошқа юмушларни қулай муддатларда, сифатли ўтказишди. Айни пайтда ғўза парвариши қизғин олиб борилаяпти. Биринчи ишлов бериш, озиқлантириш, яганалаш ва бошқа тадбирлар бир-бирига қўшиб амалга оширилмоқда. Қатор ораларини юмшатаётганда гектарига 200 килограммдан азот солинмоқда. Бу жамоаларда иш сифатига қараб ҳақ тўлаш жорий этилган. Шу боисдан ҳар бир топшириқ пишиқ-пухта бажарилмоқда. Тоҳир Қобулов, Фарҳод Болтаев, Норимбет Сафарбоев сингари техника жиловдорлари бошқаларга ўрнак бўлишаётир.

Б. ДУСТЖОНОВ.

Тажрибакор сўзи—ишнинг кўзи

СИФАТЛИ ИШЛОВ— МЎЛ ҲОСИЛГА ГАРОВ

Деҳқончиликда ишлаб келаётганимга 40 йилдан ошди. У отам Жўрабой Тўхтаназаровдан мерос касб. Падари бузрукворим 30-йилларда жамоалаштириш давридан бошлаб умрининг охиригача ер билан сирдош бўлди. Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, у кишининг ҳаёт йўллари менга ва фарзандларимга мактаб бўлди. Шу оддий, ҳалол касбни танлаб, сидқидилдан меҳнат қилиб асло кам бўлмаяпмиз. Узоқ йиллар турли лавозимларда ишладим. Ўн тўрт йил хўжаликка раҳбарлик қилдим, икки марта республика Олий Кенгашига депутат этиб сайландим. Хизматларим эвазига қатор нишон ва мукофотлар олдим. Айни пайтда хўжаликка агрономман. Фарзандларимга меҳнатсеварлик, эл корига яраш каби хислатларни сингдиришга интилаяпман.

Деҳқончиликда йилдан-йилнинг фарқи бўлади, дейишади. Дарҳақиқат, шундай. Ўтган йили об-ҳаво мураккаб келиб, кўп инжиқликлар кўрсатди. Ҳамма майдонларга бузиб қайтадан экдик, ҳатто айримларига уч марта чигит қадалди. Шунга қарамай кузда гектаридан 30 центнердан ҳосил олдик. Аҳмад Аъламов, Раҳмон Тожибоев, Аҳмад Каримов бошлиқ бригадалар бундан ҳам зиёд ҳирмон кўтаришди. Умумий даромад қариб 100 миллион сўм бўлса, шундан 62 миллион сўми пахтачиликдан келди. Бундан ташқари ихтиёримизда 160 тонна тола бор. Уни 65—70 миллион сўмга сотишни мўлжаллаяпмиз.

Бу йилги кўклам биз учун қулай келяпти. Ишларимиз бултургига қараганда 15—20 кун олдинда. Экинзорларимиз тупроғи тўрт хил: шағалли, қизғиш, шўрхок ва бўз. Бундай шароитда меҳнат қилиш, экинлардан юқори ҳосил олиш осон эмас. Устига-устак тоғ этагида жойлашганмиз, сув тақчил. Хўжалигимиз ҳудудидан ўтадиган Қорасув ариғида сизот сувлар оқади. Асосий оби-ҳаёт манбаи шу. Бундан ташқари 35 та қудуқдан ва учта насосдан фойдаланамиз. Икки йилдан бери ғўза парвариши даврида Чуст каналидан ва Тепақўрғон насос станциясидан сув олаяпмиз.

Кўкламда 1020 гектарга пушта олиб чигит қададик. Жумладан, 300 гектар шўрхок ерга экишдан олдин яхоб берилди. Қуруқ тупроқли пайкалларга чигит суви таралди. Ҳозир ҳамма майдонларда уруғ текис унib, дуркун ниҳоллар олинди. Апрелнинг охирларида рўй берган ёғингарчилик қатқалоқ ҳосил қилиб, ниҳолларни қисиб қўйди. Уларни зудлик билан юмшатиш чоралари кўрилди. Олтита мотигадан унумли фойдаланаяпмиз. Шу кечакундузда дала ишларида 24 та культиватор, 300 дан зиёд колхозчи қатнашмоқда. Айни вақтда яганалаш ҳам авжида.

Деҳқон ўзини кўрсатадиган, тажриба ва маҳоратини ишга соладиган дамлар келаяпти. Бундан буён ғўза парваришни ёқтиради. Ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида, сифатли ўтказиш бевосита ҳосилдорликка таъсир этади. Буни яхши билган пахтакорларимиз ҳар туп ниҳолни асраб-авайлаб, меҳр билан ўстириш чораларини кўришаяпти. Ғўза парваришида Мирзаакбар Имомов бошлиқ бригада пешқадам. Жамоанинг экинзорлари даштликда жойлашган. 105 гектар ерга сувеиялликка чидамли, толаси пишиқ С-6524 нави экилган. Механизаторлар Жалолхон Камолов билан Салимбой Раҳимов дастлабки ишловни аллақачон тугаллашган. Ҳадемай иккинчисини бошлашади. Бошқа юмушларни бажаришда Ҳаким Маҳкамов, Тўхтаназар Каримов, Умматали Омонов каби мирзакорлар бош-қош бўлишаётир. Бригада аъзолари ҳар гектар ердан 25 центнер ўрнига 30 центнердан пахта етиштиришга бел боғлашган.

Хўжалигимизнинг бошқа жамоаларида ҳам дала ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Мансур Мирзаалиев, Раҳмон Тожибоев, Жавқарали Жакбаралиев бошлиқ илғор бригадаларда биринчи ишлов ниҳоясига етказиляпти.

Маълумки, Чустда азалдан пахта етиштириб келинди. Табиий шароит, об-ҳаво инжиқликлари, сув танқислиги ва шунга ўхшаш ноқулайликлар деҳқонларни изланиб ишлашга даъват этган. Бутун республикамизга ёйилган Чуст усулида суғориш дастлаб бизда пайдо бўлганди. Ўшанда — 1965 йилда мен хўжаликда бош агроном эдим. Янги усулни Раҳимжон Имомов бригадасида синаб кўрдик. 40—50 метр жойдан ўқариқ олиб, сув таралди. Бригада гектаридан 40 центнердан ошириб ҳосил олди. Шу-шу, чустликлар усули кенг ёйилди. Ўзимиз ҳам ҳали-ҳануз мазкур тажриба асосида ишлаб келаяпмиз.

Май ойида барча майдонларнинг ғўзасини бир марта озиқлантириш, бир марта юмшатиш, кетмон чопиғидан чиқариш, бир бор суғориш мўлжалланганди. Ушбу тадбирларни деярли бажариб бўлаяпмиз. Хўжаликнинг раҳбар ва мутахассислари билан маслаҳатлашиб, бу йил кўпроқ ғўнгдан фойдаланаяпмиз. Фермалардан, хонадонлардан ҳозиргача 3 минг тонна маҳаллий ўғит тўпланди. Бу иш давом этмоқда.

Айни шу паллада тўлиқ гектар, бўлиқ кўчат олган ютади. Барчанинг эътибори шунга қаратилган. Хўжалигимиз деҳқонлари пахтадан ташқари 200 гектарда маккажўхори, 306 гектарда беда, 40 гектарда картошка ва бошқа экинларни ўстиришмоқда. Гектаридан ўртача 29 центнердан пахта етиштириш, мўл-кўл ноз-неъматлар тайёрлаш мўлжалланган. Барча куч-ғайрат шу мақсадга қаратилган.

Алижон ЖУРАЕВ,
Чуст районидаги «Машъал» жамоа хўжалигининг бош агрономи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1993 ЙИЛНИНГ 1 ИЮНИДАН МЕҲНАТ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ, БОЛАЛИ ОИЛАЛАР ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАРИНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ҲАМДА РЕСПУБЛИКАНИНГ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Меҳнат ҳақини ошириш, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, бошқа минтақаларга нисбатан арзонроқ нархдаги моллар ва буюмлар анча миқдорда олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш мақсадида:

1. 1993 йилнинг 1 июнидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 7500 сўм;

фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 7500 сўм миқдорида;

меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 8125 сўм қилиб белгилансин, ҳозирги вақтда амалда бўлган барча турлардаги пенсияларнинг миқдорлари 2,5 баравар оширилсин.

2. Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 2,5 баравар кўпайтирилсин. Талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларнинг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинсин.

3. Болали оилаларнинг ижтимоий нафақалари 2 баравар оширилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги иш ҳақини, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларни оширишга мазкур фармонда кўзда тутилган сарф-харажатларни пул билан таъминлаш манбаларини аниқласин.

5. Бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари, ташкилотлар ва муассасалар ушбу фармонда белгиланган энг оз иш ҳақи миқдорига асосланиб, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткаси разрядларига мувофиқ ходимларнинг мансаб окладлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

6. Қўшимча қийматга белгиланган солиқнинг 5 фоизи корхоналар ва ташкилотлар ихтиёрида қолдирилиб, улар меҳнатга ҳақ тўлашни кўпайтиришга сарфлансин.

7. Мулкчилик шаклларидан қатъий назар, хўжалик ҳисобидаги корхоналарга, ташкилотларга, муассасаларга ўзларининг даромад манбалари ҳисобидан иш ҳақининг янги энг оз миқдорларини жорий этиш ва меҳнатга ҳақ тўлашни ошириш, даромад манбалари чекланган тақдирда эса банк муассасалари аниқ мақсадни кўзлаб берадиган имтиёзли кредитлар ҳисобидан ошириш тавсия қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг марказий банки, тижорат банклари корхоналарни, ташкилотлар ва муассасаларни йиллик 3 фоиздан ошмайдиган тўлов шарти билан 45 кун муддат ичида зарур кредит маблағлар билан таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки Республика корхоналарига, ташкилотлари ва муассасаларига иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминловчи чоралар кўрсин.

9. 1993 йилнинг ҳосилидан бошлаб пахтанинг амалдаги харид нархлари —4,3 баравар, чорва ва сутнинг, шунингдек давлат буюртмаси ҳисобига сотиладиган мева-сабзавот маҳсулотлари айрим турларининг амалдаги харид нархлари эса ўрта ҳисобда — 2 баравар оширилсин.

1993 йил ҳосилидан бошлаб шоли, помидор, карам, сабзи ва олмага эркин (шартномавий) нархлар белгилансин.

10. 1993 йилнинг 1 июнидан бошлаб қатъий белгилаб қўйилган ёки тартибга солиб туриладиган нархлар билан аҳолига сотиладиган озиқ-овқат ҳамда ашёвий молларнинг чекланган чакана нархлари ва кўрсатиладиган хизматларнинг тарифлари ўрта ҳисобда икки баравар оширилсин.

11. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мобайнида мазкур фармоннинг белгиланган муддатларда рўёбга чиқарилишини таъминловчи тегишли қарорлар қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 28 май.

ЎРИМ ҚИЗҒИН

Ангор районидаги «Новшаҳар» жамоа хўжалигида арпа ўрими тобора қизитилмоқда. Бу йил кўклам серёғин келганлиги туфайли ғалла ҳосили бўлиқ бўлди. Уни йиғиштириб олишга пухта тайёргарлик кўрилди. Мавжуд комбайнлар ва бошқа техника воситалари барвақт, сифатли созлаб қўйилди. Ўримни уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди.

Айни пайтда тўртта комбайн юқори унум билан ишлатилмоқда. Ҳар куни 30—35 гектар ернинг ҳосили саранжомланаяпти. Механизаторлар баҳсида Чўлпон Худойбердиев, Эшбўри Жовлиев пешқадам. Мавсум Тошбўри Алимов бошлиқ бригада ғаллазоридан бошланганди, ҳадемай ниҳоясига етказилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, гектаридан 40—45 центнердан ҳосил олинмоқда.

Э. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори

ПАХТА, ЧОРВА ВА СУТ, АЙРИМ ТУРДАГИ МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикага етказиб берилаётган ёқилғи, моддий-техника ва бошқа ресурсларнинг қимматлашиб бораётгани муносабати билан, шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналарига кўпроқ мустақиллик бериш мақсадида Вазирлар маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Молия вазирлиги билан келишилган:

1993 йил пахта ҳосилининг харид нархларини 1-иловага мувофиқ;

чорва ва сутнинг харид нархларини 2-иловага мувофиқ ошириш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. 1993 йил ҳосилидан:

мева-сабзавот маҳсулотларининг чекланган харид нархлари 3-иловага мувофиқ белгилансин;

шоли, пишган ва саноатда қайта ишлашга мўлжалланган янги қизил помидорлар, карам, сабзи ва олмага эркин (шартномавий) нархлар жорий этилсин;

3. Республикадан ташқарига олиб кетиладиган мева-сабзавот маҳсулотларидан олинадиган бож миқдорлари 1993 йил 1 июндан бошлаб 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар маҳкамасининг «Картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари ва қуруқ меваларнинг харид нархларини ўзгартириш тўғрисида» 1992 йил 14 апрелдаги 188-сон қарори 2-банди 3-хат бошининг амал қилиши сақлаб қолинсин. Унда белгилаб қўйилганидек, мева-сабзавот маҳсулотларини республикадан ташқарига ҳукуматлараро битимлар ва тўғридан-тўғри хўжалик алоқалари га биноан етказиб берадиган корхоналар, хўжаликлар ва ташкилотлар бож тўлашдан озод қилинади.

4. Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 28 майдаги 250-сон ва 1993 йил 17 апрелдаги 180-сон қарорлари кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Тошкент шаҳри 1993 йил 27 май 257-сон.

Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 27 майдаги 257-сон қарорига 1-илова

1993 йилги пахта ҳосилининг харид нархлари

(бир тонна учун сўм)

Пахта толаси типлари	Пахтанинг саноат навлари 1	2	3	4
Ингичка толали				
1 тип	100000	141000	72000	25300
2 тип	143000	130000	72000	25300
3 тип	132000	117000	72000	25300
Ўрта толали				
4 тип	127500	110000	68900	25300
5 тип	119400	103000	68900	25300
6 тип	94000	85000	65500	25300
7 тип	90800	81600	63200	25300

Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 27 майдаги 257 сон қарорига 2- илова.

Чорва ва сутнинг чекланган харид нархлари

	бир тонна учун сўм (ўрта ҳисобда)
Қорамол, йилқи ва туялар	393600
Чўчқалар	495600
Қўй ва эчкилар	325600
Ёғлилиги 3,6 фоизли сут	50000

Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 27 майдаги 257 сон қарорига 3-илова

Картошка ва мева-сабзавотнинг чекланган

ШАРТНОМАВИЙ НАРХЛАРИ

Маҳсулот	Сотиш даври x)	бир тоннаси учун сўмда
Картошка	21 майдан 10 июлгача	36000
	11июлдан йил охиригача	30000
Бошпиёз	21 июлдан йил охиригача	14000

x) йилнинг қолган даврларида маҳсулотларнинг ушбу турлари шартномавий (эркин) нархларда сотилади.

Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 27 майдаги 257 сон қарорига 4-илова 257

Республикадан ташқарига чиқарилади ган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига солинадиган

БОЖ МИҚДОРЛАРИ

(ҳар бир тоннаси учун сўмда)

	Давлат божи миқдорлари: май-июнь	июль-сентябрь	октябрь-декабрь
Картошка	7200	4500	—
Бошпиёз	3200	2800	3600
Карам	3200	2000	4800
Янги сабзи	3200	3200	4800
Қизил помидор	40000	10000	12000
Янги узилган бодринг	16000	2400	4500
Булғор қалампири	12000	3000	6000
Бақлажон	8000	2000	2400
Шолғом ва турп	4000	2000	3000
Қовун	—	2000	2400
Тарвуз	—	1400	1800
Олма	20000	5000	7500
Нок	24000	6000	9000
Беҳи	—	4000	6000
Шафтоли ва ўрик	12000	4000	6000
Олхўри	—	4000	6000
Олча ва тоғолча	—	6000	9000
Анор	16000	6000	12000
Узум	20000	10000	12000
Қовунқоқи	20000	10000	15000
Ёнғоқ	100000	30000	60000
Бодом	100000	60000	90000
Ерёнғоқ	50000	20000	30000
Лимон	125000	40000	75000
Хурмо	—	—	30000

ЭСЛАТМА: Юқорида кўрсатиб ўтилган бож миқдорлари 10 тоннагача бўлган маҳсулот бир марта четга чиқарилганда белгиланади, 10,1 тоннадан 20 тоннагача бўлганда бож миқдори 1,5 баравар, 20 тоннадан ортганда 2 баравар кўпаяди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори

ЁҚИЛҒИ ВА ЭНЕРГИЯНИНГ ЧЕКЛАНГАН УЛГУРЖИ ВА ЧАКАНА НАРХЛАРИ ВА ТАРИФЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Саноатнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва энергия ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, 1993 йилнинг 1 июнидан бошлаб бюджетдаги ташкилотларга ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларига табиий газ, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва кўмир сотиш шартномавий (эркин) нархлар бўйича амалга оширилади.

2. 1993 йилнинг 1 июнидан бошлаб аҳолига сотиладиган табиий ва суюлтирилган газ, кўмир, автобензин ва электр энергиясининг чекланган чакана нархлари иловага мувофиқ таъдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхатлар бўйича уруш қатнашчилари ва фахрийларига, уруш ва меҳнат ногиронларига чакана нархларнинг 50 фоизи даражасида имтиёзли нархда ҳар ойда 50 литр автобензин сотишнинг белгиланган меъёри сақлаб қолинсин.

1993 йилнинг 1 июнидан бошлаб меъёрланган ҳажмдаги автобензиннинг чакана ва имтиёзли нархлари ўртасидаги фарққа биноан харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун талонлар ўрнига пул компенсацияси бериш назарда тутилиб кўрсатилган тоифадаги имтиёз эгаларига автобензин сотишнинг талонсиз тизимига ўтилсин.

Ижтимоий таъминот вазирлиги, «Ўздавнефтмаҳсулот» акционерлик бирлашмаси ва Марказий банк Молия вазирлиги билан биргаликда пул компенсациясини ташкил этиш ва тўлаш тартибини 5 кун муддатда ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар маҳкамасига киритсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги табиий ва суюлтирилган газ, автобензин ва электр энергияси учун янги чакана нархларнинг прейскурантини тасдиқласин, бунда уларнинг барча манфаатдор ташкилотларга ўз вақтида етказилишини таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари кўмирнинг чакана нархлари прейскурантларини тасдиқласинлар.

6. Мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар ва ташкилотлар 1993 йилнинг 1 июнидаги ҳолати бўйича суюлтирилган газ, кўмир ва автобензин қолдиқларини қайта баҳоласинлар, қайта баҳолашда қўшилган сумма уларнинг ўз оборот маблағларини тўлдиришга йўналтирилсин.

7. Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 16 октябрдаги 474-сон қарорининг 3-банди ва мазкур қарор 4-бандининг табиий ва суюлтирилган газ, кўмир, автобензин, электр энергияси чакана нархларини ўзгартиришга оид қисми ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 27 май 258 сон

Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 27 майдаги 258 сон қарорига илова

1993 йилнинг 1 июнидан бошлаб аҳолига сотиладиган табиий ва суюлтирилган газ, кўмир, автобензин ва электр энергияси чакана нархларининг

ЧЕКЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ

Енилғининг номи	Улчов бирлиги	Чакана нархи (сўмда)
Табиий газ	1000 куб м	300
Суюлтирилган газ	кг	45
Автобензин	1 литр	100
Электр энергия	1 КВт-с	1
Электр плиткалар билан жиҳозланган уй-жойларда аҳолига берилади ган электр энергияси	1 КВт-с	0,50
Кўмир	тонна	5,3 баравар оширилган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори

АҲОЛИГА СОТИЛАДИГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЧАКАНА НАРХЛАРИНИ ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ ТАРИФЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ ТЎҒРИСИДА

МДҲ мамлакатларидан келтириладиган энергия манбалари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари оширилгани муносабати билан, республика аҳолисини биринчи навбатда зарур бўлган энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва хизмат соҳаси ривожлантирилишини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

1. 1993 йилнинг 1 июнидан бошлаб айрим озиқ-овқат маҳсулотларининг чегараланган чакана нархлари 1-иловага мувофиқ белгилансин.

2. Гуручнинг чакана нархлари шартномавий (эркин) нархлар тоифасига ўтказилсин.

3. Аҳолига кўрсатиладиган айрим хизмат турлари тарифларини оширишнинг чекланган коэффициентлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги:

— ушбу қарорга берилган 1-иловага мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари чакана нархларининг янги прейскурантлари, шунингдек қайта баҳолаш тўғрисидаги кўрсатмалар ўз вақтида босиб чиқарилишини ҳамда манфаатдор вазириклар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларга, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига етказилишини таъминласин;

— чекланган чакана нархлар билан сотиладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг улгуржи нархларини икки ҳафта мобайнида қайта кўриб чиқсин;

— бир ҳафта муддат ичида 2-иловага мувофиқ хизматларнинг янги тарифлари прейскурантларини тасдиқласин ҳамда уларнинг барча манфаатдор вазирликларга, идораларга, корхоналар ва ташкилотларга ўз вақтида етказилишини таъминласин;

— бир ҳафта мобайнида Уй-жой-коммунал хўжалиги вазирлигига, «Ўзавтотранс» корпорациясига ва «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига бериладиган ёрдам пули миқдорларини аниқласин.

5. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

— «Озиқ-овқат маҳсулотларининг нархларини тартибга солиш ҳамда чорва ва сутнинг харид нархларини ошириш тўғрисида» 16.10.92 йилдаги 475-сон қарорнинг 1-иловаси;

«Гўшт ва қанд-шакарнинг чекланган чакана нархларини ўзгартириш тўғрисида» 5.02.93 йилдаги 62-сон қарор;

— «Чорва, сут, картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари асосий турларининг чекланган харид нархларини ўзгартириш ҳамда айрим озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана нархларини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 17.04.93 йилдаги 180-сон қарорига берилган 4-иловадаги ўсимлик ёғи, гўшт, қаймоғи олинмаган сут, макароннинг чекланган чакана нархлари;

— «Энергия ресурсларининг нархларини давлат йўли билан тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 16.10.92 йилдаги 474-сон қарорига берилган 2-иловадаги марказдан иситиш ва иссиқ сув таъминоти тарифларининг чекланган миқдорлари;

— «Аҳолига сотиладиган ёқилғи, энергия ва хизматларнинг чакана нархлари ҳамда тарифларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 14.08.92 йилдаги 381-сон қарорига берилган иловадаги водопровод ва канализация хизматларининг чекланган тарифлари;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 30.12.92 йилдаги 598-сон қарори;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 23.09.92 йилдаги 442-сон қарори.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 27 май 259 сон.

Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 27 майдаги 259 сон қарорига 1-илова.

Белгиланган меъёрларда аҳолига сотиладиган ижтимоий аҳамиятли озиқ-овқат маҳсулотларининг чекланган чакана нархлари

Номи	Улчов бирлиги	ўрта ҳисобдаги чакана нарх (сўм)
Нон (оқ, қора, жавдари, қолипда пиширилган) x)	кг	20
Ун	кг	30
Макарон	кг	100
Ўсимлик ёғи	кг	100
Чой	кг	250
Қанд-шакар	кг	200
Гўштнинг барча турлари (парранда гўштидан ташқари)	кг	400
Сут (қаймоғи олинмаганини) x)	л	40
Кир совун	дона	30

x) Нон ва сутни меъёри белгиланмайди.

Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 27 майдаги 259 сон қарорига 2-илова

Аҳолига кўрсатиладиган айрим хизмат турлари тарифларини оширишнинг чекланган миқдорлари

	Баравар
1. Йўловчиларни шаҳар транспорти (метро, автобус, трамвай, троллейбус)да ва шаҳар атрофи автобусида ташиш	2,0
2. Марказдан иситиш ва иссиқ сув таъминоти	2,0
3. Алоқа хизмати	2,0
4. Водопровод хизмати	2,0
5. Канализация хизмати	2,0

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА ВА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИГА ШАРҲ

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришлар ижтимоий соҳага қаратилганлиги яққол кўриниб турибди. Ўзбекистон ҳукумати «шок терапияси» ўрнига бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ва батартиб ўтиш йўлини амалга оширмоқда.

Шундай шароитда республика аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш давлатнинг бош вазифаси бўлиб қолмоқдаки, бу вазифа иш ҳақининг энг оз миқдорларини, пенсияларни, стипендияларни, аҳоли энг ночор табақаларининг пул даромадларини ошириш йўли билан муттасил рўёбга чиқариб бориляпти.

Президентнинг Фармони билан 1993 йилнинг 1 июнидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида иш ҳақининг энг оз миқдори даражаси, пенсиялар 2,5 баравар оширилади. Уларнинг миқдори тегишли равишда 7500 ва 8125 сўм қилиб белгиланади, пенсияларнинг ўртача миқдори эса 7230 сўм кўпайиб, ойига 12060 сўмга етади. Олий ўқув юртлари талабаларининг, кийим-бош ва овқат билан таъминланмайдиган техникумлар ҳамда ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 2,5 баравар кўпайтирилади.

Ягона тариф сеткасининг разрядлараро коэффициентларини ҳисобга олганда иш ҳақи энг оз миқдорининг 7500 сўмгача ўсиши халқ хўжалигида банд бўлган ходимларнинг барча тоифалари учун мансаб окладларини тегишли равишда 2,5—2,8 баравар кўпайтиради.

Фармоннинг бош мақсади — аҳоли барча табақаларининг моддий фаровонлигини янада яхшилашдир. Чунончи, барча турдаги пенсияларнинг 2,5 баравар оширилиши 2 миллион 510 минг кишининг даромадларини кўпайтириш имконини беради. Олий ўқув юртида стипендиянинг ўртача миқдори 6000 сўмни, техникумда 4700 сўм ва ҳунар-техника билим юртида 4000 сўмни ташкил қилади, бунда талабаларнинг ошхоналарида улар учун тушлик овқатларнинг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинади.

Фармонга мувофиқ болали оилаларга бериладиган ижтимоий нафақаларнинг миқдори 2 баравар оширилади.

Маориф тизими ходимларининг окладлари амалдаги 8500 сўмга нисбатан ўрта ҳисобда 21500 сўмгача кўпаяди, яъни 13000 сўм ошади.

Соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг ўртача окладлари 9300 сўмдан 23200 сўмгача, шу жумладан биринчи тоифадаги шифокорнинг оклади 11200 сўмдан 28000 сўмгача, тиббиёт ҳамширасининг оклади эса 7300 сўмдан 18300 сўмгача кўпаяди.

Фан ходимларининг ўртача окладлари умуман 7700 сўмдан 19200 сўмгача ошгани ҳолда кичик илмий ходимнинг оклади 6300 сўмдан 15700 сўмгача, катта илмий ходимнинг оклади эса 9100 сўмдан 23000 сўмгача кўпаяди.

Мазкур Фармонга кўра, қўшимча қийматга белгиланган солиқнинг 5 фоизи корхоналар ва ташкилотларда қолдирилади, бундан тушадиган маблағ ойига салкам 10 миллиард сўмни, йилнинг чорагида эса 30 миллиард сўмни ташкил этади, бу маблағлар ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни кўпайтириш учун сарфланади.

Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга ўз ходимларининг иш ҳақи даражасини ошириш учун даромад манбаларини қидириб топиш тавсия қилинади, бундай манбалар чекланган тақдирда эса банк муассасалари йиллик 3 фоиздан ошмайдиган тўлов шарти билан аниқ мақсадни кўзлаб берадиган имтиёзли кредитлар ҳисобидан иш ҳақининг янги энг оз миқдорларини белгилаш ва меҳнатга тўланадиган ҳақни ошириш таклиф этилади.

Солиқ олинмайдиган пул даромадларининг энг паст даражаси 7500 сўм миқдорида белгиланади, бу эса камхарж оилаларнинг ҳақиқий даромадига сезиларли қўшимча бўлади.

Мазкур Фармонни рўёбга чиқариш учун давлатнинг бир ойлик ҳаражатлари 60 миллиард сўмни; йилнинг чорагида эса 180 миллиард сўмни ташкил қилади.

Нарх-наво сиёсати республиканинг ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор иқтисодиётидаги энг муҳим жиҳатлардан бири бўлиб, шу пайтгача бу сиёсат асосий озиқ-овқат ва саноат моллари нархларини давлат томонидан тартибга солишни кўзда тутади.

Шу билан бирга кейинги вақтларда Ўзбекистон билан МДҲнинг бошқа мамлакатларидаги нарх-наводаги тафовут тез суръатлар билан ошиб бораяпти. Масалан, 1993 йилнинг бошида Ўзбекистонда ноннинг нархи Қозоғистонга қараганда 1,3 баравар, Қирғизистонга қараганда 1,4 баравар, Россияга қараганда 5 баравар арзон бўлса, шу йилнинг май ойида бу тафовут тегишли равишда 1,4; 4; 6 бараварни ташкил этди.

Мана шуларнинг ҳаммаси аҳолига ниҳоятда зарур бўлган моллар ва маҳсулотларнинг Ўзбекистон ички бозоридан чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда. Божхона назоратининг куч-ғайратларига қарамай, бу салбий тамойилни бартараф этишга эришилмаяпти.

Бундан ташқари шуни таъкидлаш керакки, белгиланган меъёрда бериладиган молларнинг нархларини паст даражада сақлаб туриш кунсайин давлат бюджетидан ёрдам пули кўпайтирилишини тақозо этаяпти.

Ягона рубль минтақаси шароитида унинг тўлов қобилиятини (пул даромадларини) бир вақтнинг ўзида ошириш ва нархларни тартибга солиш асосидагина Ўзбекистон аҳолисининг манфаатларини ҳимоя қилиш мумкинлиги равшан бўлиб қолмоқда.

Саноат маҳсулоти билан қишлоқ хўжалик маҳсулоти нархларининг номутаносиблиги ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар жумласидандир. Ёқилғи-энергетика ва моддий-техника ресурсларининг нархлари ошаётганлиги сабабли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга сарфланаётган харажатлар кўп карра ортган бир пайтда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари асосий турларининг харид нархлари давлат томонидан тартибга солинаяпти ҳамда мунтазам равишда қайта кўриб чиқилиб, ошириб бориляпти.

Вужудга келган аҳволни эътиборга олиб, Президентнинг Фармонида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бир қанча турларининг эркин харид нархларига ўтиш чоралари кўзда тутилган, шулардан алоҳида муҳимларининг нархлари икки баравар кўпайтирилади, пахтанинг харид нархлари ҳар бир тоннаси учун ўрта ҳисобда 100 минг сўмгача, яъни 4,3 баравар оширилади.

Бу чора аввало қишлоқ иқтисодиётини тиклашга қаратилган бўлиб, у хўжаликларга қарзларини узиш, меҳнат ҳақини ошириш ва кенг кўламдаги такрорий ишлаб чиқаришни юритиш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш имконини беради.

Фармонда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ашёвий моллларнинг, хизматларнинг чекланган чакана нархларини ўрта ҳисобда 2 баравар ошириш ҳам кўзда тутилган.

Чакана нархлар 2 баравар оширилишига қарамай, Ўзбекистонда айрим озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари МДҲнинг бошқа мамлакатларига қараганда анча арзон бўлиб қоляпти, буни жадвалдан кўриш мумкин.

(сўм)

Озиқ-овқат маҳсулотларининг номи	Улчов бирлиги	Тошкент	Бишкек	Олмаота	Москва
Гўшт	кг	400	680	600	670
Ўсимлик ёғи	кг	100	480	530	350
Сут	л	40	60	65	110
Қанд-шакар	кг	200	250	350	350
Ун	кг	30	90	100	70
Нон	кг	20	45	—	70
Макарон	кг	100	150	220	160

Ёқилғи-энергетика мажмуида ҳам худди шундай манзарани кўрамиз. Масалан, Қозоғистонда 1 тонна кўмир 9 минг сўм, Қирғизистонда — 10 минг сўм, Тожикистонда — 15,6 минг сўм, Молдовада — 12 минг сўм, Россияда — 6 минг сўм, Ўзбекистонда эса 4 минг сўм туради.

Кўрилган чора-тадбирлар Ўзбекистонда ички нарх-навонинг умумий даражасини белгиланган меъёрларда бериладиган молларнинг бир мунча паст нархларини сақлаб қолган ҳолда МДҲ даги ўртача даражага яқинлаштириш имконини беради. Бу эса Ўзбекистоннинг истеъмол бозорини маъмурий чоралар билангина эмас, балки иқтисодий чоралар билан ҳам ҳимоя қилиш имконитини яратади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи республикамиз аҳолиси ўртасида тобора катта қизиқиш уйғотмоқда, меҳнат жамоаларида ва ижодий уюшмаларда, миллий-маданий марказларда, илм масканларида ўрганилмоқда. Жумҳуриятимизда яшаётган тожикзабон аҳоли бу китобни она тилида ўқиш имконига эга бўлди. Китобни «Ўзбекистон» нашриёти чоп этди.

● **Бухородаги бурғулаш техникаси заводида хашакни майдалайдиган дастлабки 10 та агрегат тайёрланди.**

Бундай агрегатларни кўплаб ишлаб чиқаришдан олдин бу ерда иккита тажриба намунасини тайёрлаб, Ромитан туманидаги «Боғитуркон» жамоа хўжалигида синаб кўришди. Хўжалик мутахассисларининг таъкидлашларича, янги машиналар ҳозир ишлатилаётган агрегатларга нисбатан анча унумли. Улар бир қанча мулоҳазаларни ҳам айтдилар, мутахассисларнинг бу фикрлари агрегатни пухта ишлаб чиқариш чоғида ҳисобга олинди.

● Нарпай тумани ва Оқтош шаҳар ҳокимлиги Тошкент шаҳрида таҳсил олаётган нарпайлик талабалар билан анъанавий учрашув ўтказди. Пойтахтга ташриф буюрган ота-оналар фарзандлари билан бир пиёла чой устида суҳбат қурдилар.

Тошкент Молия институтининг ректори М. Шарифхўжаев пойтахт профессор-ўқитувчилари номидан сўзга чиқиб, ёшлар олдида турган улкан вазифалар ҳақида гапирди.

● **Уйчи туман марказида яшовчиларни ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси ҳал бўлди — олти километрли қувур ётқизилди. Бу қувур пойтахт яқинидаги Хўжаобод қишлоқ орқали ўтган.**

Лекин сифатли ичимлик сув туман марказидан олисдаги қишлоқлар учун зарур. Шу ернинг ўзида 14 километрлик сув қувури қурилиши тугалланиб, бу қишлоқларга ҳам сув келтирилади. Қувурни ётқизишга 10 миллион сўм пул ажратилган.

АВТОМОБИЛЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЙЎЛЛАРИДА

Термиздаги 25/10 рақамли автокорхона бир йил олдин ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси бўлиб рўйхатдан ўтган эди. Бу жамоа учун катта имкониятлар яратди.

Автокорхонанинг 28 нафар тажрибали ҳайдовчиси «КАМАЗ» юк машиналарида хорижий давлатлар ҳудуди бўйлаб бир неча минг километр йўл босиб ўтди. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 20 минг тонна инсонпарварлик юкларини Афғонистон Республикасига ташиб берди. Биродаркушлик урушидан жабр кўрган тожикистонликларга ҳам кўплаб озиқ-овқат ва қийим-кечак етказилди. Автокорхона ҳайдовчилари хорижлик савдогарларнинг юкларини ҳам манзилларига етказишмоқда. Шу йилнинг ўтган тўрт ойида 366 минг тонна юк ташилди.

Ч. ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

ҒАЛЛАНИ ТЕЗ ВА НЕСТ-НОБУД ҚИЛМАЙ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ ОМИЛЛАРИ

Жорий йилда ғаллакорларимиз 966 минг гектар майдонда буғдой ва арпадан мўл ҳосил етиштирдилар. Эндиги асосий вазифа хом ашёни қисқа фурсатда нестнобуд қилмай йиғиштириб олиш, келгуси йилга сифатли уруғлик тайёрлашдан иборат.

Ўрим-йиғим мавсумини муваффақиятли ўтказиш кўп жиҳатдан механизаторлар, хусусан комбайнчиларнинг билими, иш малакаси ва техникага бўлган муносабатига боғлиқ. Шунинг учун хўжалик, ижара, бўлимма раҳбар мутахассислари дон йиғиштириб олиш ишларига тажрибали, ташаббускор, ўз ишига ҳалол муносабатда бўладиган кишиларни жалб этишлари зарур. Маълумки, ғалла йиғиштирадиган комбайнлар қишлоқ хўжалик машиналарининг мураккабларидан саналади.

Аксарият хўжаликларда шундай ҳоллар учрайдики, комбайнчилар ўрим бошланиши пайтида тайинланади. Натижада комбайн тўғрисида етарли тушунчага эга бўлмаган тасодифий кишилар уни бошқарадилар. Оқибатда техниканинг кўпгина эҳтиёт қисмлари ишдан чиқади. Бундан ташқари комбайннинг дон тушадиган тирқиши, узел ва механизмлар нотўғри созланиши сабабли кўп миқдорда нобудгарчиликка йўл қўйилади. Буларнинг барчаси мавсумнинг чўзилиши, иш сифатининг пасайишига олиб келади. Хўжалик иқтисодиёти эса катта зарар кўради.

Шунинг учун барча мутасадди раҳбарлар ўрим олдидан комбайнчи ва бошқа механизаторларга техникадан тўғри фойдаланиш, созлаш ва герметиклаш юзасидан семинарлар ўтказишлари лозим. Мутахассислар уларга ишнинг моҳиятини, мавсум масъулиятини ва техникадан қандай фойдаланиш лозимлигини кўрсатишлари зарур.

Ҳосил нобудгарчилиги герметиклаш, дон, майдаланган somon жойлашадиган узел ва механизмлар созланишининг ёмонлиги, транспорт воситаларида эса кузовларнинг герметикланмаганлиги туфайли юз беради. Somon исрофгарчилиги ғарамлагич ва майдалаш комбайнларининг somon ўтказгичлари герметик эмаслиги, транспорт воситаларига somon тойларини нотўғри жойлаш сабабли бўлади.

Комбайнлардаги дон ўтказувчи қисмлар механизмларини ташкил этувчи деталлар ўзаро бириктирилганида йўл қўйилган тирқиш ва ёриқлар нобудгарчиликнинг асосий манбаларидир.

Ўроқ билан қия камера ўртасидаги ён ва пастки тирқишлар шулардан биридир. Дон қия камера пастки қисмидан ўтишида унинг пастки қисмида тешик пайдо бўлиши мумкин. Камера билан комбайннинг дон йиғиладиган қисми уланган жойида, қопқоқ ва қопқоқли янчиш барабани тирқишларини созлаш пайтида ёриқлар ҳосил бўлади. Бундай тирқишлар 1 миллиметрдан ошмаслиги зарур. Бунинг учун герметиклаш ишларини яхши йўлга қўйиш лозим. Бу тадбир мавсумда фойдаланиладиган барча комбайнларда амалга оширилади. Ҳар бир комбайнда бундай иш бажарилгандан сўнг унинг сифати текширилади. Бунинг учун махсус тайёрланган текис майдончага брезент ёзилади, шу ерда комбайннинг герметиклиги текширилади. Буғдой ва арпа ўроқ шнекига бир маромда 8—10 минут давомида берилади ва шу тариқа дон ва somon тушиши аниқланади.

Дон нобудгарчилигининг бошқа тури комбайн ишчи органлари параметрлари ва ишлаш тартибларини нотўғри ростлаш натижасида рўй беради. Бу кўп нарсаларга боғлиқ: йиғиштирилаётган масса ҳолати, дон ҳосилдорлиги, масса ва дон намлиги ва бошқалар.

Мутахассис маслаҳати

Мотавилони тўғри созлаш ўсимлик баландлиги ва экинлар зичлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бу нобудгарчиликни олдини олишнинг асосий йўлларидан биридир. Мотавило айланишини шундай тезликда ўрнатиш керакки, унинг кураги дон массасини қирқиш аппаратига жадаллик билан келтириши керак. Жорий йилда бошоқли экинларнинг бўйи баланд бўлди.

Қалин ва узун пояли донни йиғиб олишда шнек спирали ва мотовило кураги ўртасидаги тирқиш 80—100 миллиметрдан ошмаслиги керак. Кураклар ўсимлик поя ларини қирқиш линиясидан учдан икки қисми оралиғида ушлаб туриши лозим.

Мотовило планкасининг айланиш тезлиги комбайн иш тезлигидан 1,2—2 баробардан ортиқ бўлмаслиги керак. Ётиб қолган буғдой поясини ўришда қирқиш аппарати, мотовило пастга туширилади. Ўроқ хаскашидаги ўқ қувурдан хаскаш тишлар ечилиб, у ерга 105 та қўшимча хаскаш ўрнатилади. Улар диаметри 5 миллиметр бўлган пружинали пўлатдан тайёрланади, ҳар бир хаскашнинг узунлиги 470 миллиметр бўлиб, уларга 145 миллиметр радиусда ярим айлана шакл берилади. Бир тарафи 80 миллиметр узунликда тўғри ҳолда қолдирилади ва 90 даража бурчак ҳосил қилиниб четга қайрилади.

Ғалла янчиш қурилмасида барабаннинг айланиш тезлиги, унинг тиғлари, қопқоқ планкалари ўртасидаги кириш ва чиқиш оралиқлари кенглиги ростланади. Барабан айланишининг тезлиги янчилаётган дон, унинг нав хусусиятлари, донларнинг ҳолати (пишганлиги, намлиги, somonлилиги, янчилиш даражаси, ифлосланганлиги) ҳисобга олинган ҳолда ўрнатилади. Бу ишларнинг ҳаммаси дала шароитида дон ҳолати ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Буғдойнинг қийин янчиладиган «Санзар-85», «Сурхак», «Тезпишар», «Красноводопадская-210» ва бошқа навларини ўрицда янчиш барабанининг айланиш тезлиги осон янчиладиганларига нисбатан минутига 100—200 оборотга кўпаяди. Буғдойнинг дастлаб «Безостая-1» тўкилиб кетадиган нави, сўнгра бошқалари йиғиб олинади.

Ўрим-йиғим мавсумини тўғри ташкил этиш йўлларидан яна бири комбайнчилар ва бошқаларнинг далада тунаб қолишидир. Маълумки, ғалла йилнинг энг иссиқ пайтида йиғиштириб олинади. Бу иш сифатини пасайтиради. Комбайнчиларни тез толиқтиради. Шу сабабли эрталабки ва кечки салқин пайтлардан унумли фойдаланиш лозим. Шунда тушлик чоғида комбайнчиларга кундалик техник кўрик ва бошқа ишларни ўтказишга вақт қолади.

Техникадан тўғри фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва нобудгарчиликни камайтиришга таъсир этади. Унинг энг асосийси бир комбайндан бир пайкалда фойдаланишдир. Бунда иш ҳажми ортади, сифати яхшиланади, нобудгарчилик камаяди.

Ҳосилни қисқа муддатда нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш меҳнатга ҳақ тўлашни тўғри ташкил этишга ҳам боғлиқ. Бунда дала ҳолати, гектар ҳосилдорлиги ҳисобга олиниши лозим. Шунингдек, механизаторлар манфаатдорлигини оширишнинг бошқа йўлларини ҳам излаш керак.

Аксарият хўжаликлар даладан донни тўғри «Заготзерно»га топширадилар. Аслида давлатга топириладиган ғалла дастлаб хўжалик хирмонларида ОПВ-20А, ОВС-25, ЗАВ-20А, ЗАВ-40 машиналарида тозаланиши керак. Шунда хўжалик икки томонлама фойда олади. Бошоқ дондан осон ажралади. Озуқа учун чиқиндилар чиқади.

Ўриш, уруғлик донниташиш ва тозалашда бир навни бошқасига аралаштирмаслик керак. Бунинг учун ҳар бир нав йиғиштириб олинган сўнг комбайн, дон тозалаш машина ва агрегатларининг ҳамма ишчи органлари, транспорт воситалари кузовлари яхшилаб тозаланади. Хирмонларда ҳам бир навнинг бошқасига аралаштирилишига йўл қўйилмайди. Давлатга топширириладиган маҳсулот ва уруғлик дон сифати маромига етказилиши зарур.

Юқоридаги тавсияларга риоя қилган жамоалар 20—22 иш кунида мавсумни тез ва нобудгарчиликсиз тамомлаб, мўл ва арзон ҳосил оладилар.

С. ЯХШИБОЕВ,
Қ. ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ғаллачилик, механизация ва техникадан фойдаланиш бошқармалари бош мутахассислари.

БОҒ ЖАМОЛИ БОҒБОНДАН

Деҳқончиликдаги каби боғдорчиликда ҳам ишлар тиғиз бўлмаган кун йўқ. Баъзан шундай долзарб пайтлар бўладики, йилнинг тақдири бир неча кунлик залворли меҳнатга боғлиқ бўлиб қолади. Ҳозир боғбону соҳибкорларнинг ҳаётида худди шундай дамлар кечмоқда.

Хўжалигимизда 556 гектар боғ, 234 гектар майдонда узумзор мавжуд. Гап фақат гектарларда эмас. 1992 йили 1460 тонна олма, 1000 тонна узум йиғиб олгандик. Бу кўрсаткич, албатта бизни қаноатлантирмайди. Жорий йилда ҳосилдорликни тағин ҳам оширишга, халқимиз дастурхонига кўпроқ ноз-неъмат етказиб беришга қарор қилганмиз. Шу мақсад йўлида муҳим тадбирларни амалга ошираяпмиз.

Шу йилнинг ўзида боғларимиз 33 гектарга кенгайтирилди. Шунча майдонга олма, олхўри кўчатлари ўтказилди. Айни чоғда барча майдонлардаги боғ ва узумзорлар парвариши қизғин давом эттирилмоқда.

Соҳибкорларимизнинг ғайрати чакки эмас. Боғбон—хосиятли меҳнат соҳиби. Боғ-роғларимизга ҳозиргача ҳашаротларга қарши бир марта тўла ишлов берилди. Таглари чопилиб, юмшатилди. Бундан ташқари ўғит билан озиқлантириб, суғоришдан чиқардик. Бу юмушлар, айниқса, Собиржон Эгамбердиев, Абдуманнон Атиков бошлиқ бригадаларда яхши ташкил этилди.

Йилнинг тўрт фаслида ҳам кўпни кўрган, тажрибали боғбонлардан маслаҳат ва йўл-йўриқлар олиб турамиз. Уларнинг тажрибаси биз учун дастур. Шундайлардан бири — меҳнат фахрийси Велиулла ака Жалилов. У хўжалик боғбонларидан ўз кўмагини ҳеч қачон аямайди. Ишларимизда ҳамиша камарбаста. Айтайлик: дарахтнинг қайси шохини бўташ, қайси новда бўйчан, ортиқча — уларни кесиб ташлаш ёхуд қисқартириш керак, хуллас, отахон барча юмушларда бизга маслаҳатгўй, бош-қош. Гарчи арзимасдек кўринадиган бу ишларда ҳам боғбонликнинг ўзига хос заҳмати бор. Буларсиз ҳосилдорликни ошириб бўлмайди. Ҳосил сифати кўп жиҳатдан шунга боғлиқ.

Токзорларимизда ҳам ишлар шу тахлит давом этаяпти. Бу ерда агротехник тадбирларнинг кўлами анча кенг, масъулиятли. Энг асосийси, токларни очиш ва симбағазларга боғлашда эҳтиёткорлик жуда зарур. Ҳосил куртакларига зиёнзаҳмат етказмаслик лозим. Агар бу ишда озгина бўлса-да, лоқайдликка йўл қўйилса борми, 10—12 фоиз ҳосил йўқолди, деяверинг. Соҳибкорларимиз бу йил токларни барвақт очиб, дастлабки юмушларни ўрнига қўйиб адо этишга эришдилар.

Шуни айтиш керакки, токзорларимизни техника ёрдамида парваришлаш билан бир қаторда уни очиш, кесилган новдаларни йиғиштириш каби мавсумий ишлар ҳам механизация зиммасига юклатилган. Ток қатор ораларига техника юргизишда ҳам, яъни сифатли ҳайдаш ва пушталарга тупроқ йиғишда механизаторнинг масъулияти янада ўн чандон ортади. Сабаби—аниқ. Ток новдалари шундай эҳтиёткорликни талаб этади. Бегона ўтлардан тозалашда ҳам шу тариқа иш тутилади.

Хўжалигимизда оилавий пудратчилар иш олиб боришмоқда. Бу ўзининг ажойиб самарасини бермоқда. Биргина мисол: Абутолиб Бектурганов 1992 йили 12 гектарлик боғда ўз оиласи билан меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирди. Режани 112 фоизга адо этди. Натижада унинг оиласи 100 минг сўм даромад қилди. Демак, давлат хўжалиги ҳам, оила ҳам бундан манфаатдор. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

1993 йилги режаларимиз 1992 йилгига қараганда анча салмоқли. Жами 1630 тонна мева, 1700 тонна узум етиштиришга аҳд қилганмиз. Ваъда эса вафоси билан устивор. Хўжалигимиз аъзолари заҳмат нони ҳамиша тотли ва беминнат бўлишини яхши тушунишади. Бутун саъй-ҳаракатимиз элимизга мўл-кўл мева ва узум тортиқ қилишга қаратилган.

Табиийки, бозор иқтисодиёти ҳамма соҳани қамраб олди. Бугунги шароитда кўчатлар нархи ҳам ошиб кетди. Шуни ҳисобга олиб, кўчатларни хўжалигимизнинг

ўзида етиштиришга бел боғладик. Келгусида янги-янги боғ ва токзорлар барпо этиш ниятимиз бор. Бултур анча майдонга шафтоли уруғи эккан эдик. Ҳозир 10 минг тупга яқин кўчат ўстираяпмиз. Уларни «Элберт» нави билан пайванд қилдик. Кўчатларимизни бошқа хўжаликларга ҳам сотишни режалаштираяпмиз. Шунингдек 10 минг туп олхўри, 10 минг туп атиргул кўчатини пайванд қилиш учун наъматак уруғини ҳам экиб қўйганмиз. Бу ишларда Мўйдин Адашев, Норбек Бобобеков, Ислом Холиқовлар ибрат кўрсатишмоқда.

Деҳқончиликдаги изланишларимиз катта самара бераяпти. 1992 йилда очиқ майдонларда картошка, сабзавот, шу жумладан помидор, карам, пиёз ҳамда тарвуз етиштириб, мўмай даромад олгандик. Озуқа экинларидан ҳам яхшигина ҳосил олинди. Буларнинг ҳаммаси иқтисодиётимизни тиклашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозир далаларимизда экинларимиз баравж ривожланмоқда. 50 гектар ерда буғдой, 25 гектар майдонда дон учун маккажўхори, 10 гектар ерда хашаки ва 7,5 гектар ерда қанд лавлаги парваришланмоқда. Пиёз, помидор, картошка ва карам экилган майдонларимиз 40 гектардан зиёд майдонни ташкил этади. Дала ишларида Карим Эрматов, Шариф Зокиров, Усен Бўрибеков сингари механизаторларимиз пешқадамлар сафида боришмоқда.

Деҳқон ҳамиша миришкор, бунинг устига тадбиркор бўлмоғи лозим. Айниқса ҳозирги бозор иқтисодиёти талаблари шуни тақозо этмоқда. Эндиликда етиштирган маҳсулотларимизни эркин баҳоларда ўзимиз сотишни йўлга қўямиз. Ўзаро шартномалар тузиб қўйганмиз.

Яна бир ички имкониятни ишга солмоқчимиз. Шу йилнинг ўзидан вино тайёрлаш корхонамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотни хўжалик ҳисобидан сотишга ўтамиз. Фақат шиша идиш масаласини ижобий ҳал қилсак, бас. Ўйлаймизки, бу ҳам манфаатдорликни оширишга хизмат қилади.

Ҳозирча муаммолар бир талай. Буларни аста-секин тадбиркорлик билан ҳал қилишга ҳаракат қилаяпмиз. Энг муҳими, бир пайтлари давлатдан анча миқдорда қарздор хўжалигимиз бугунги кунда иқтисодиётнинг равон, ойдин йўлига тушиб олишига ишончимиз комил. Жамоамиздаги ўндан ортиқ турли миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб астойдил меҳнат қилишмоқда. Меҳнат эса тўкинликка, иқтисодий фаровонликка дастурхон ёзади. Бунга шак-шубҳа йўқ.

И. ТОЖИБОЕВ,
Чиноз туманидаги «Олмазор» давлат хўжалиги директори.

●

Нигоҳларини боғ-роғларга тикиб, ним табассум билан боқиб турган бу суворийлар хўжаликда кўп йиллардан бери меҳнат қилишади. Улар бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд ҳамдир. Мамараим Жўраев билан Зоҳид Баҳромовлар донмо шундай аъло кайфиятда трактор рулига ўтиришади. Яхши кайфият эса иш унумини оширибгина қолмай, сифатли бўлишини таъминлайди.

●

«Олмазор»нинг пешқадам ишчилари кўп. Баланм Жуманазарова билан Айнагул Дўсмуродовалар шундайлар сирасига киради. Улар дала ишларида бошқаларга ўрнак.

Т. ГИБАДУЛЛИН
олган суратлар.

КОРХОНАДА МУЛОҚОТ

Жумҳуриятимизнинг етакчи нашрлари бош муҳаррирлари, Телевидение ва миллий ахборот агентлиги вакиллари Тошкентдаги «Электр аппаратлари» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолияти билан танишдилар. Маълумки, бирлашма Марказий Осиёдагина эмас, балки Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида ҳам электр техника саноатининг йирик корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу ерда ҳозир 10 мингга яқин ишчи ва хизматчи меҳнат қилмоқда. Бирлашманинг Тошкент, Андижон, Марҳамат, Таҳиатош ва бошқа шаҳарлардаги филиаллари ҳам самарали иш олиб боряпти. Унда ишлаб чиқарилаётган ускуналар, иссиқлик ва атом электрстанцияларида технологик жараёнларни автоматик бошқариш ва назорат қилиш жиҳозлари, реле ва халқ истеъмоли моллари, ҳар бир хонадон учун зарур электр ўчириб-ёндиргичлар бозор иқтисоднёти шароитида ҳам харидоргир бўлиб қолмоқда. Бу маҳсулотлар 38 мамлакатга чиқарилмоқда.

Журналистларнинг корхонага ташрифи бежиз эмас эди, албатта. Бирлашмада жорий этилаётган бошқарувнинг замонавий услуби, янги технологиялар сифатли, жаҳон мезонларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш, ишчи ва хизматчиларни юқори маош билан таъминлаш имконини бермоқда. Бирлашма билан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ўртасида яхши ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Қаламкашлар корхонадаги илғор тажрибаларни оммалаштиришга кўмаклашаётган бўлсалар, бирлашма бир қанча нашрларга ҳомийлик қилмоқда.

Бирлашма бош директори Абдуманноп Алимбоев журналистларга олиб борилаётган ишлар, корхона жамоаси олдида турган муаммолар ҳақида гапириб берди.

— Биз ўз фаолиятимизда уч муҳим жиҳатга эътибор бераётирмиз, — деди у. — Биринчиси — меҳнат кишисига эътибор. Ходимларимизнинг ҳаммаси ўрта ёки олий маълумотли. Ўзимизда кечки мактаб ва техникум мавжуд. Иш жараёнлари замонавий дастгоҳларда амалга оширилади. Ўртача ойлик маош 30—35 минг сўмни ташкил этмоқда. Ҳар йили тайёр квартира сотиб олиб ёки қуриб навбатда турганларни таъминлаяпмиз. Ҳозир навбатнинг ўзи йўқ дейиш мумкин. Иккинчи жиҳат—корхонамиз обрўсини сақлаш. Ҳар бир ходим ана шу обрўни ошириш учун курашади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати учун қайғуради, янги ихтиро ва кашфиётлар таклиф қилади. Учинчи жиҳат эса «буюртмачи ҳамиша ҳақ» деган қоидага амал қилиш. Собиқ шўролар иттифоқи тарқалиб кетганидан кейин кўпгина жумҳуриятлардан олинаётган зарур қисмлар йўли беркилиб қолди. Эндиликда уларни ўзимиз ишлаб чиқаряпмиз.

Журналистлар бирлашманинг асосий корхонасида бўлдилар, бу ердаги тиббий хизмат ва дам олиш хоналари, спорт зали, ошхоналарни кўздан кечирдилар, ишчи ҳамда хизматчилар билан суҳбатлашдилар.

(ЎзА).

● Қизилтепа туманида халқ хўжалигини ривожлантиришнинг махсус дастури ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ 1995 йилгача туман ҳудудида 200 дан ортиқ катта ва кичик корхоналар барпо этилади. Шу билан ишсизлик ва уй-жой муаммоси ҳам ҳал бўлиши кутилмоқда. Қурилажак корхоналарга 10 мингдан зиёд ишчи ўринлар керак. Ҳозиргача эса 40 та кичик корхона иш бошлади. Уларга ишсиз юрганлар жалб этилди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

● Эндиликда Хатирчи туманидаги «Зарафшон» давлат хўжалиги ва Раҳматов номли жамоа хўжаликлари аҳли шакар излаб узоққа боришмайди. Бир кеча-кундузда 1 тонна шакар ишлаб чиқарадиган корхона шу хўжаликларда бунёдга келмоқда.

● Швейцариянинг «АТС» фирмаси билан мол айирбошлаш асосида тузилган шартнома Нурота ва Хатирчи туманидаги хўжаликларга қулайлик туғдирадиган бўлди. Пахта толасини қайта ишлаб, тўқийдиган дастгоҳларда йилига 1200 тонна йигирилган ва бошқа хил мато тайёрланади.

● Хитойнинг Хунань вилояти билан ҳамкорликда бунёд этилажак қўшма корхона эса қоп, тўрва тополмай сарсон юрганларнинг ташвишини осонлатади. Сунъий толалардан турли хил кўринишда тайёрланадиган қопларга ҳозирданоқ буюртмалар тушмоқда.

● Дон маҳсулотлари корхонасида ўсимлик мойи ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган тармоқлар барпо этила бошланди.

● Лангар конида янги технология ўзлаштирилмоқда. Унга мувофиқ ғоятда тақчил моллар рўйхатида турган буюмлардан бири шиша тайёрлаш кўзда тутилган. Бу борада лангарликларга швейцариялик шериклар кўмаклашмоқда.

● Вилоятда ёғ-мой корхонаси ҳозирча йўқ. Кўп ўтмай ишга туширилади. Исроилнинг «Юсон-Айзенберг» фирмаси билан ҳамкорликда бир кеча-кундузда 300 тонна чигитни қайта ишлайдиган қўшма корхона қуришга келишилди.

● Навоий заминида яна бир кон очилади. Коннинг ёнида эса йилига 2,5 миллион тонна фосфорни бойитиш корхонаси қурилади. Ўзингда йўқ, оламда йўқ, ўзингда бор, кўнгил тўқ. Ҳали яхши ўрганилмаган Ўзбекистон тупроғи яна нималарни яшириб ётибди экан? Бойлигимиз мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилаверсин.

● Олмониянинг «Юниверсал» фирмаси сабзавот ва меваларни қуритиб берадиган ҳамда жунни тозалаб, йигириб, маҳсулотга айлантирувчи мосламалар қуриб беришга розилик билдирди. Туркиянинг «Дери-маскан» фирмаси эса терини ишлаб, пойафзалчиларга тайёр хом ашё етказиб берувчи корхона бунёд этади.

Тўлқин ЕРҚУЛОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Айбнома

САНСАЛОРЛИК

Мамлакат Президентининг ҳаётбахш фармонлари шарофати туфайли қишлоқ меҳнаткашлари катта имтиёзларга эга бўлдилар. Хусусан улар қўшимча томорқа, уй-жой қуриш учун ер ажратилганлигидан бошлари осмонда. Меҳнаткаш инсон ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилинаётган, фермонларни бажариш юзасидан белгиланган тадбирлар изчил амалга оширилаётган жойларда кўплаб турар жой бинолари қурилиб фойдаланишга топширилаяпти. Одамлар зўр шоду хуррамлик билан ҳовли тўйларини ўтказишмоқда.

Бахтга қарши муҳим ишга совуққонлик билан ёндошаётган, ўзибўларчилик кайфияти, масъулиятсизлиги билан одамларни оворaю сарсон қилаётган баъзи раҳбарлар, мутахассислар йўқ эмас. Қуйида ана шундай салбий ҳолатлардан бири ҳақида фикр юритамиз.

Халқ депутатлари Гулистон район Кенгашининг 1968 йил қарорига кўра асаларичиликка ихтисослашган «Юлдуз» давлат хўжалиги ҳудудида шахсий уйлар қуриш учун 8 сотихдан ер ажратилди. Бошқалар қатори Холиқ Каримов, Ҳайитбой Комилов, Абдураҳмон Ҳайитов, Аҳрор Абдулаҳатов, Валижон Узоқов каби ижарачилар хурсандчилигининг чеки йўқ эди. Улар яхши ният билан ҳаракатга тушдилар. Мақсад иложи борича тезроқ уй-жойли бўлиш эди. Шу боис 2-қурилиш трестига қарашли 49-махсус ихтисослашган механизациялашган кўчма колонна (бошлиғи З. Фозилов) билан ўзаро шартнома тузилди. Афсуски бир йил мобайнида буюртмачиларнинг қўйни пуч ёнғоққа тўлғазиб келинди. Улар кўчма колонна бошлиғи ҳузурига қатнай-қатнай ҳафсалалари пир бўлди. Охир-оқибат ваъдабозлардан натижа чиқмаслигига кўзлари етгач, 474-механизациялашган кўчма колонна билан 1989 йили шартнома тузилди. Вақт кеткази, минг азобда банк ҳужжатлари қайтадан расмийлаштирилди. Ҳар бир уй эгаси қурилишнинг умумий қиймати ҳисобидан 20 фоиз бошлангич бадални давлат ғазнасига тўлади. Шартномага кўра ижарачиларнинг уй-жойлари қурилиши қарийб бир йил мобайнида ниҳоясига етказилиши керак эди. Бошламаси ёмон кетмади. Дастлабки уйларнинг пойдевори қурилди, темир-бетон плиталари монтаж қилинди. Ўша йили колонна раҳбарлари бажарилган ва бажарилмаган ишлар учун 24 минг сўмни банк орқали ундириб олишди. Шундан кейин яна сансалорлик бошланди. Буюртмачилар шартномани кўтариб идорама-идора қатнадилар. Тааҳжубки, иш олдинга босиш ўрнига орқага кетди. Белгиланган жойларга келтирилган қурилиш материаллари (улар бунёдкорлик ишларини ниҳоясига етказиш учун етарли эди) қайта ташиб кетилди. 2-трест бошқарувчиси И. Подварков, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Р. Осмон ҳар гал ваъда беришдан чарчашмас, ёки у-буни баҳона қилишарди. Янги уй-жой қуриш орзусида юрган, ваъдабозлардан безган меҳнаткашларнинг бошлари қотди. Тоқатлари тоқ бўлиб юқори ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур бўлдилар. Уларнинг хатлари адолатли раҳбарлар қўлига бориб етди. Арзнома юзасидан тадбирлар белгиланди. Одамларни сансалор қилаётган қурилиш раҳбарлари ҳушёр торттирилди, камчиликлари рўй-рост кўрсатилди. Шундан сўнг 1991 йили ижарачилар 474-кўчма колонна билан аввалги шартномани янгилашди. Сабаби эскисининг аллақачон муддати ўтиб кетганди. Кишини ҳайратга соладигани шуки, мутасадди раҳбарлар бу гал ҳам буюртмачиларни илиқ қарши олишди, уларнинг уйлари энди албатта, вақтида, сифатли қуриб битказилишини таъкидлашди. Бироқ қурувчилар муайян ишларни бажариб яна ғойиб бўлишди. Бундай алдамчилик неча бор такрорланди. Эътибор қилинг, 474-кўчма колонна томонидан бор-йўғи 34 минг сўмлик иш бажарилди, холос. Одамларнинг умид билан кўз тиккан уйлари эса чала-ярим ҳолда, вайрона бўлиб ётибди. Устига-устак уй эгаларини ишлатилган узоқ муддатли кредит учун белгиланган банк устама пулини тўлашга мажбур этишмоқда. Трест ва колонна бошлиқлари билан буюртмачилар ўртасидаги сўнгги учрашувда ўртоқ И. Подварков 1992 йилда камида бешта уй албатта, фойдаланишга топширилади, дея ваъда берганди. Афсуски, ваъда яна палағда қолди. Баҳонага-баҳона қўшилди, энди қурилиш материаллари қимматлашиб кетганлиги ишга тўсиқ бўлаётган эмиш. Ахир 4—5 йилдан буён шартнома устига шартнома тузиб, юқорида қайд этилган раҳбарлардан нажот кутиб, алданиб келган меҳнаткашда не айб? Барчаларининг тоқатлари тоқ бўлиб «Сансалорлик, ўзибўларчилик, алдам-қалдам қачонгача давом этади. Янги уйга кўчиб кириш бизга насиб этадими, ёки йўқми?», дейишмоқда. Бу ҳақли эътирозга Сирдарё вилояти ҳокимлигидаги ўртоқлар нима дейишаркин?

Н. АЛМУРОДОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

●

СУРАТЛАРДА: ваъдабоз қурувчилар айби билан йиллар мобайнида битмай келаётган уйларнинг умумий кўриниши.

Муаллиф олган суратлар.

Душанба Қурбон ҳайити— Ийд ал- адҳа куни

ШУКРОНАЛИК БАЙРАМИ

Қурбон ҳайити — Маккаи Мукаррамага ва Мадина-Мунавварага қилинадиган ҳаж маросимининг бир қисми бўлиб, ҳижрий йилноманинг ўн иккинчи ойи—Зуль Ҳижжанинг ўнинчи куни нишонланади. Шунингдек, қурбонлик сўзининг маъноси бирор жондор сўйиб Аллоҳнинг йўлига бахшийда қилиш, демакдир. Яъни Ҳайит қилишнинг икки сабаби: биринчиси, Аллоҳнинг ҳаж қилиб аркони диннинг бешинчи асосини бажарилиши бўлса, бу ҳақда Қуръони Каримда битиладики, одамлар ибодат қилишлари учун қурилган биринчи уй Маккадаги муборак ва бутун оламлар учун ҳидоят маёғи бўлган Каъбадурки, унда мақоми Иброҳим (яъни Каъбани қуришда Иброҳим алайҳиссалом оёқлари остида бўлган харсанг тош, у тошда Иброҳим пайғамбаримизнинг оёқлари излари) бор, унга кирган одам ҳар қандай хавф-хатардан омон бўлиши каби очиқ оят—аломатлар бордир ва йўлга қодир бўлган кишилар зиммасида Аллоҳ учун мана шу уйни ҳаж-зиёрат қилиш бурчи бордир.

Тарихдан маълумки, Пайғамбаримизнинг биринчи оталари Иброҳим Ҳамидуллоҳ. Шунинг учун диний манбаларда зикр қилинадики, яъни Ислом янги дин эмас, балки диннинг асл асосларига қайтиш, бошқача қилиб айтганда Иброҳим Ҳамидуллоҳ тарғиб қилган динга қайтиш демакдир. Бу ҳақда Қуръони Каримнинг «Ол-и Имрон» сурасининг тўқсон бешинчи оятида шундай марҳамат қилинади: «Эй Муҳаммад, Аллоҳнинг сўзи ростдир. Бас, ҳақ йўлдан тоймаган ва мушриқлардан бўлмаган Иброҳимнинг динига эргашинглар!» —деб айтган.

Тарихий манбаларда таъкидланишича, Ҳазрати Нуҳнинг болалари аввал Ироқ шаҳарларида туриб, сўнгра Фурот яқинидаги Бобил шаҳрини бино қилдилар. Ичларидан бир тоифа чиқиб, Дижла дарёси ёнида Мовсул шаҳрига яқин ерда Нинава шаҳрини бино қилишди. Бу қавм Нинавани пойтахт қилиб кўп шаҳарларни босиб олди. Булардан сўнг Калдани деган бир қавм пайдо бўлиб, ниҳоятда тез қувват топди. Лекин тўғри йўлдан чиқиб юлдузларга ибодат қилдилар. Жаноби Ҳақ аларни тўғри йўлга солмоқ учун Иброҳим алайҳиссаломга пайғамбарлик лавозимини берди. Ҳазрати Иброҳим қавмларини ва Бобил ҳокимини имонга даъват қилдилар. Намруд—Бобил ҳокими Иброҳим алайҳиссаломга ишонмасдан бир улуғ ўт ёқиб Иброҳим алайҳиссаломни ўтга ташлади. Аллоҳ Таоло пайғамбарини қуйишдан сақлаб, ўтни бир яхши гулзор қилди.

Иброҳимнинг пешонасида Муҳаммад Мустафонинг нури бор эди. Сорага ваъда қилар эдики, бу нур сендан туғиладиган фарзандга ўтади, — деб. Аммо банданинг хоҳиши эмас экан, балки Аллоҳнинг буюргани бўлади. Ана шу ҳол бу ерда ҳам содир бўлди. Иброҳим Ҳожар билан қовушганда бу нур Ҳожарга ўтади, яъни инсониятга Ислом таълимотини етказадиган пайғамбарнинг аждоди бўлмиш Исмоил алайҳиссалом дунёга келишларининг баёни эди. Ҳожар радиаллоҳу анҳо она бўлишга тайёрлана бошлади. Бу илоҳий ҳақиқатдан биз мусулмонларга суннат бўлгани шуки, агар банда бирор нарсани хоҳласа, ёки бирор ишни амалга оширмоқ ниятида бўлса, Аллоҳдан шу нарсани амалга оширишини илтижо қилиши шарт. Агар Аллоҳга унинг шу нияти хуш келса, шундагина ижобат бўлади.

Сора қарасаки, Иброҳимдаги нур Ҳожарга ўтибди. Бу ҳолни кўриб у жуда ғазабланибди. Ҳожарнинг ой-куни яқинлашганда Сорانинг талаби билан Иброҳим Ҳожар онамизни ҳозирги Маккаи Мукаррама шаҳри жойлашган ерга элтиб ташлабди. Бу кимсасиз чўлу — саҳрода Ҳожар радиаллоҳу анҳонинг кўзлари ёрибди. Не кўз билан кўрсаларки, фарзандларида Муҳаммад Мустафонинг нури бор эди. Сув тамом бўлиб қолгани учун онаизор ўз фарзандига сув қидиради. Сафо тоғидан шайтон алайҳи лаънат бу ерда сув бор деб алдаб Ҳожар онамизни чақиради. Она фарзандини қўйиб ўша ерга югуради. Марв тоғидан ўша овоз эшитилади, ул зот ўша томонга қараб югуради. Шу тарика Ҳожар Сафо ва Марв орасида етти марта югуради, булар ҳожиларга суннат бўлиб қолган ва ҳар бир ҳожига Сафо ва Марв тоғлари ўртасида саъй қилмоқлик, яъни тезроқ юриб ҳаракат қилмоқлик, ҳажнинг вожиб амалларидан бирига айланди. Бу ҳақда Қуръони Каримда шундай дейилади: «Албатта Сафо ва Марв Аллоҳ (буюрган) маросимларандир. Бас, ким ҳаж ёки умра қилса, у икки тоғ орасида саъй қилишининг гуноҳи йўқдир. Ва ким ўз ихтиёри ила яхшиликни ният қилса, бас, албатта Аллоҳ шукр қилгувчи (тақдирловчи) ва билгувчидир».

Шу пайт Исмоил тепсинган ердан Жаброил алайҳиссалом бир булоқ чиқарибди. Ҳожар она булоққа қараб: «зам-зам тўхта-тўхта», деб уни атрофини тош билан уради ва она-бола бу булоқ сувидан тўйиб ичишди. Шу тарика Зам-зам булоғи пайдо бўлди. Бу сувдан тўйиб ичиш ҳожиларга суннат бўлди.

Аллоҳнинг амри билан Жаброил алайҳиссалом жаннатдан бир кўк қўчқорни келтирди ва Иброҳимга буюрдики: «Уни қурбонлик қилинг»— деб. Шу тарика ҳаж амалларини бажараётган ҳожиларга қурбонлик қилиш ҳам вожиб амаллардан бўлиб қолди.

Аллоҳнинг бу кароматини кўриб Жаброил алайҳиссаломдан нидо келди: «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар!» — деб. Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳнинг қудратига тасаннолар айтиб: «Ла илаҳа илла-ллоҳу, Аллоҳу акбар!» — деди. Исмоил алайҳиссалом Аллоҳнинг бу марҳаматига салавотлар айтиб: «Аллоҳу акбар, валиллаҳил-ҳамд» — дедилар. Шу билан Қурбон ҳайити кунлари бу такбир-тошриқ 23 фарз номозлардан сўнг овоз чиқарилиб айтилади. Зул-Ҳижжа ойининг тўққизинчи куни (арафа) бомдод номозидан бошланиб, ўн учинчи куни аср номозидан сўнг тугатилади. Такбири-тошриқни айтиш вожибдир.

Бу билан Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло Одам фарзандларига инсонлардан қурбонлик қилишни ман этди ва жониворлардан маълумларини қурбонлик қилишни вожиб қилади

Энди Қурбон ҳайити байрам қилинишининг иккинчи сабаби, Исломдаги фарзларнинг бешинчиси бўлган Ҳажжул байт Расулуллоҳ умрларининг охирида уммати Муҳаммадияга буюрилган маросимдир.

Манбаларда баён қилинишича, тўртинчи осмонда қизил ёқутдан ясалган Байтул Маъмур деган бир бино бор экан. Ер устида ҳожилар Байтуллоҳни тавоф қилганларидек, фаришталар осмонда бу уйни зиёрат қилишар экан. Аллоҳ амри билан ерга туширилган фаришталар ер устида ҳам шунингдек бир улуғ муборак бино бўлишини талаб қилганлар. Аллоҳ Байтул Маъмурнинг тагида бир уй биносини ясаб, шуни тавоф қилишга буюрди. Байтуллоҳнинг биринчи биноси шу эди. Замонлар ўтиб Аллоҳ Таоло Одам атони яратдилар. Қилган гуноҳлари учун у жаннатдан қувилди. Иғғизора қилган тавбалари икки юз йилдан сўнг қабул бўлиб, Момо ҳаво ила Арофатда кўришганлар. Муздалифада топишганлар. Ана шу тарихда фаришталардан сўнг Одам атога Байтуллоҳни янгитдан бино қилиш буюрилган.

Одам алайҳиссаломдан сўнг бу бинони унинг фарзандлари қайта тиклашган. Аллоҳнинг амри бирлан Иброҳим алайҳиссалом Тур Сино, Тур Зино, Хиро, Лубнон Жадий тоғларидан тош келтириб Каъбатуллоҳни бино қилишни бошлади. Жаброил алайҳиссалом тош кесдилар, фаришталар тошларни Иброҳимга олиб келдилар ва ул зот тош тердилар. Ниҳоят Каъбатуллоҳ биноси барпо бўлди.

Қуръони Каримда марҳамат қилинишича: «Эсланг: Иброҳим Исмоил билан биргаликда Байтуллоҳнинг пойдеворини кўтариб (дедилар). Парвардигоро, биздан (бу бинони) ўзинг қабул айла, шубҳасиз сен эшитгувчи, билгувчисан! Парвардигоро, бизни ўзингга бўйсингувчилардан қилгин ва зурриётларимиздан ҳам сўзингга итоат қиладиган кишилар чиқаргин. Ва бизга (қиладиган ибодатларимизни ўргатгин ва тавба-тазаррукларимизни қабул эт. Шубҳасиз сен тавбаларни қабул қилгувчи, раҳимлисан. Парвадигоро, уларнинг орасига ўзларидан бўлган, уларга оятларининг тиловат қилиб берадиган, китоб ва ҳикматни (Қуръон ва Ҳадисни) ўргатадиган ва уларни поклайдиган бир пайғамбарни юбор! Шубҳасиз сен қудрат ва ҳикмат соҳибсан». Бу Иброҳим ва Исмоилнинг Аллоҳга бўлган илтижолари эди.

Аллоҳ Таоло Жаброил алайҳиссалом орқали Иброҳимга фармон қилдилар. Халқни ҳажга чақиринг деб. Иброҳим алайҳиссалом Қубайс тоғига чиқдилар ва ундан «Эй Одам фарзандлари, Аллоҳ Таоло сизларга Байтуллоҳни бунёд қилди ва сизларга уни ҳаж қилишингизни амр қилди». Шу пайтдан бошлаб инсонларга Байтуллоҳни ҳаж қилиш фарз амалларидан бири бўлиб қолди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи ва саллам муборак ёшлари ўттиз бешга тўлганларида Маккада қаттиқ ёмғир ёғди ва Байтуллоҳни сел олиб кетди. Қурайш араблари Байтуллоҳни қайта қуришга киришдилар. Бу ишларда Пайғамбаримиз ҳам иштирок қилиб Ҳажжарул-асводни ўз қўллари билан қўйдилар.

Мана шу юқорида зикр қилинган сабаблар.га кўра Қурбон ҳайит шукроналик байрами деб ўтказилади.

Илҳомжон АҲМАДЖОН ўғли.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси масъул ходими.

ТЎЙ ТЎЙДЕК БЎЛДИ

Яқиндагина диний байрамимиз—Рўза ҳайитини нишонлаб, ул муборак дамларда эзгулик ва бирдамлик, ҳайру барака, иқтисодий тараққиёт ва маънавий камолот сари ақл-заковат билан шаҳдам бораётган давлатимиз фуқароларининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат ва уларга омонлик тилаган эдик. Бугунги кунда Қурбон ҳайитини умумхалқ байрами сифатида кутиб турибмиз.

Хонадонларимиз фаришталари—қарияларимиз «Шу кунларга етказганингга шукр!» дея ниятлари ижобат бўлаётганидан қадлари тик, асо тутган қўллари ва бели бақувват, кўзларида нур. Табаррук қўлларини оқ фотиҳага очиб шукроналик билдиришмоқда.

Элимизнинг каттаю кичигига, шаҳсан юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовга тўю маърака ва дастурхон бошида, давраларда «Бошингиз тошдан бўлсин!» деб омонлик тилашмоқда. Иншоолло, омонликда — хотиржамликда, юрт осойишталигида ҳикмат кўп.

Муборак Қурбон ҳайити арафасида Қарши шаҳрининг Алишер Навоий маҳалласида тўйимсон-тўй бўлди. Қумқишлоқ кўчасидаги 101-хонадонга меҳмонлар, қариндош-уруғлар, кўни-қўшнилар қутлуғ 100 ёшга тўлган Бобо ота Юсуповни муборакбод этгали йиғилишди. Маҳалла қўмитаси фаоллари тўйбоши бўлишди. Бобо ота давранинг тўрида — тўйга файз бағишлади.

— Маҳалламизда 602 хонадон бор. Уларда 3200 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади, —деди маҳалла қўмитаси раиси Қурбон Тўрақулов. — Шулардан 130 нафарга яқини меҳнат фахрийси. 9 киши Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 2 киши эса байналмилал-жангчи. Қариялар бор жойда — қутбарака, аҳиллик ва тинчлик устивор. Шермамат Ҳазратқулов, Раҳматулло Ҳакимов, Ғаффор Омонов, Туҳфа Абилова, Муҳаррам Зиёдова сингари отахон ва онахонларимиз маҳалламизнинг салобати ва кўрки. Улар ҳозир тўқсондан ошиб, юзни қоралаб қолишган. Барчаси пири бадавлат.

Бугун эса Бобо отанинг бир асрлик тўйи. Ёшлигида темирчилик қилган отахон ҳали бардам-бақувват, 6 нафар фарзанди, 40 та невараси ва 15 дан ортиқ чевараси бор. Тўнғич фарзанди Салим ака Бобоев айни чоғда 61 ёшда. Фарзандлари — Абдусаид, Темур, Иброҳим акалар ва Эркавой опалар эл ишига камарбаста. Юсуповлар хонадонини ҳурматлаб ташриф буюрган барча-барчага таъзимда.

Тўй соҳибига бир пиёла чой узатиб, эҳтиромини жойига қўйган ҳолда бир лаҳза суҳбатини оламиз. «Илоё, барака топинглар!», —дейди отахон. Гурунг қўр олади:

— 1932 йили колхозга кириб, эллик йилдан кўпроқ вақт пахтада ишладим, —салмоқли гап бошлайди Бобо ота. — Ерни сийлаб, кам бўлмадик. Ҳар қариб жойни ардоқланг, болаларим!

Тўй табрикларсиз бўлмаганидек, маҳалла қўмитаси раиси Қурбон Тўрақулов, уруш ва меҳнат фахрийси Ражаб Аҳадов, «Каршистрой»га қарашли ичимлик суви ишлаб чиқариш бошқармаси бош муҳандиси Абдисаид Ибрагимов ва бошқалар отахонни улуғ ёши билан кўпчилик номидан саммимий муборакбод этдилар.

Ота эса ўз навбатида кўп кишилик тўй даврасида фотиҳага қўл очди: «Мени сийлаб келганларни эл сийласин, яратганнинг ўзи доимо қўллаверсин!! Менга ўхшаб узоқ умр кўринглар, илоҳи омин!!»

Ҳамма ана шу эзгу ниятруҳи билан табаррук кексанинг оқ фотиҳасига қўл кўтаришди.

Ш. СУЛТОНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

МАККАГА БОРМАЙ ҲОЖИ БЎЛГАН КИШИ

Бир пайтлар кўҳна Тошкентнинг Шайхонтоҳир даҳасидаги Юнусхон мақбарасига кирадиган катта дарбоза яқинида икки киши ўз ҳунарлари билан тиқиқчилик қилар эдилар. Улардан бири чинни идишларга янги «умр» ато этса, иккинчиси эскирган оёқ кийимларни тузатиб берарди. Унинг бири ўз вақтида Макка-ю Мукаррамага бориб Исломнинг бешинчи фарзини адо этган эди. Иккинчиси эса, ўзи пойафзал тузатувчи уста бошқачароқ тарзда ҳожи бўлган эди.

У камбағал бўлиб, ночор кун кечирар эди. Шунга қарамай «орзуга айб йўқ» деганларидек, ҳар куни ишлаб топган даромадидан бир қисмини «худо хоҳласа, ҳаж қиламан», — деб хумчага ташлаб қўярди.

Шундай ният ила йиллар ўтди. Мусулмонлар навбатдаги ҳаж сафарига жўнаган палла эди. Кунларнинг бирида ямоқчининг занфаси заруриятдан қўшининг кулбасига кирганида қўшни онласи билан таом тановул қилаётган эди. Уй бекаси қўшни аёлнинг илтимосини бажаради-ю, аммо кўнгил учун бўлсада, таомга таклиф қилмайди. Бундан кўнгли ранжиган аёл афсусланиб, ўз умр йўлдошига воқеани гапириб беради.

Кунларнинг бирида иккн қўшни суҳбатлашиб қолади ва ямоқчи воқеани эслаб, сабабини сўраганида, қўшниси:

— Эй биродар! Ўша кундаги таом бизлар учун ҳалол бўлиб, сизлар учун ҳаром эди. Шу сабабли таомга таклиф этолмадик. Чунки, бизнинг ейишга ҳеч нарсамиз бўлмаганлиги сабабли, ҳаром ўлган товуқ гўштидан таом тайёрлаган эдик. Мени кечиргайсан,сенга сирмини ошкор этдим, — деб жавоб бербди.

Эртаси кунни ямоқчи ҳаёл оғушида ўтказди. Кеч бўлиши билан хумча ичидаги пулларни олиб қўшниси уйига кириб, деди:

— Азиз биродар! Мана бу пулларни мен ҳаж қилиш ниятида тўплаётгандим. Аммо сенинг аҳволингдан бехабар эдим. Мени кечирасан. Шу пуллардан олиб, ўз рўзғорингни изга солиб ол. Мен мингдан-минг розиман, — деди.

Қўшниси эса бу ҳадядан бошн осмонга етиб, кўзларида ёш ила ямоқчини узоқ дуо қилиб, сўнгида: «Эй биродарим! Олло таоллоҳ сенинг кўксингдаги ниятингга етказсин!» — деди.

Шу йилги ҳаждан қайтган тошкентликлар тўппа-тўғри ямоқчи ҳузурига келиб, уни муборакбод эта бошлабдилар.

Ҳайрон бўлган ямоқчи, уларга дейди:

— Бу нима қилганингиз, мени калака қилманглар, сизлардан илтимос қиламан!

— Йўқ, сўзимиз беғараз. Бизлар ҳаж қилгани борганимизда бу йилги ҳожилар орасида сизнинг ҳажингиз қабул этилганлиги ҳақида ваҳий келди. Шу сабабли сизни муборакбод этгани келдик, — дейишган ҳаждан қайтганлар.

Шу кундан бошлаб ямоқчи исмига «ҳожи» сўзи қўшиб айтладиган бўлган экан.

Тайёрловчи:

Шоиёс ШОҲАЙДАР ўғли.

Мукаррама Турғунбоева таваллудининг 80 йиллигига

РАҚС ОЛАМИНИНГ МАЛИКАСИ

Ўзбек миллий рақс санъатининг фидойиси халқ артисти ва Давлат мукофоти соҳибаси Мукаррама Турғунбоева ҳаёт бўлганида шу йилнинг 31 майида 80 ёшга кирар эди. Истеъдодли раққоса хотирасини эъзозлаб, республикамиздаги турли жамоаларда дўстона учрашувлар ва тантанали кечалар ўтказилмоқда. Шу муносабат билан мухбиримиз Мукаррама Турғунбоева номидаги республика «Баҳор» ашула ва рақс дастасининг бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева билан суҳбатлашди.

— Мукаррама опа ҳақида кўп ўқиб, кўп эшитганман. Сиз ҳам унинг меҳру муҳаббатига сазовор бўлган шогирдларидансиз. Маъмурахон, устозингиз ҳақида нималарни эслайсиз!

— Халқимиз Мукаррама опани яқиндан билмагина қолмай, унинг нафис санъатини чин дилдан севиб томоша қиларди. Унингдек улкан санъаткор ўша пайтда ҳам, ҳозир ҳам бармоқ билан санарлик даражада оз. Очиғини айтиб қўя қолай, ундай бағри кенг инсон дунёга бир марта келади. Опа ишини қалбан севар, рақс устида жиддий ишлаб, томошабин ҳузурига катта тайёргарлик билан чиқарди. Саҳнада ҳам, ҳаётда ҳам барчамизга ибрат эди.

Айниқса қишлоқларга бориб томоша қўйишни яхши кўрарди. Шунда ҳаммамизга энг чиройли либосларни кийдирарди. «Бизнинг энг садоқатли томошабинларимиз қишлоқларда, — дердилар.—«Энг аввало ўзингни мана шу яшил саҳнада кўрсат, шуҳрат топ, кейин хорижга чиқасан».

Ҳа, унинг меҳнат аҳлига меҳри ниҳоятда катта эди. Халқ артисти Наби Раҳимовнинг бир пайтлар опага «рақс маликаси» деб ном қўйганлари эсимда. Ҳақиқатан ҳам опа рақс оламининг маликаси эди. У кийим кийганда янги очилган атиргулга ўхшаб, очилиб кетарди. Ўктам-ўктам юришлари, қойилмоқом туришлари, рақсга тушиб қулишлари, даврани тўлдириб ўтиришлари—ҳамма-ҳамаси унинг ўзига ярашарди. Энди ўйлаб кўрсам, оддий бир аёл ёнида эмас, Аллоҳ ерга йўллаган фаришстанинг ёнида юрган эканман. Ўша бағри дарё, қалби мунаввар аёлнинг шогирди бўлганимдан беҳад фахрланаман. Мукаррама опа Ўзбекистонда ўз миллий мактабини яратди. У ниҳоятда истеъдодли, табиатан жўшқин раққоса эди. Шунинг учун ҳам у 65 ёшга кириб ҳам саҳнани тарк этмади. Раққоса яратган санъат гулшанидан ўнлаб Ўзбекистон халқ артистлари етишиб чиқди. Улар орасида Қаҳрамон Дадаев, Бахтиёр Алиев, Ҳайрулла Лутфуллаевлар бор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гулнора Жўраева, Флорида Низомиддинова ва Талъат Сайфутдиновлар ҳам опа тарбиясини олганлардан.

— Машҳур раққоса билан қандай таниширб қолгансиз!

— Мукаррама опа ойим Тўхтахон Рисметова билан қадрдон дугона бўлганлар. Шу сабаб тез-тез уйимизда бўлиб турар эдилар. Онаболадек бир-биримизга яқин эдик. Ўзлари мени хореография билим юртига бердилар. Ўқишни тугатиб «Баҳор»га ишга келдим. Улардан нафақат рақс тушишни, балки инсонийликни ҳам ўргандим.

— Жаҳонинг қайси мамлакатларида устоз билан бирга бўлгансиз!

— Ўттиздан ортиқ хорижий мамлакатларда бирга бўлдик. Қаерга бормайлик ўзбекнинг гурури эди, устоз. Ҳиндистон, Покистон, Африка халқлари рақсларимизни ҳайрат билан қизиқиб томоша қилишарди. Ўзбекнинг довруғини илк бор жаҳонга «Баҳор» дастаси ва Мукаррама Турғунбоева ёйди. Ватанпарвар аёл эди у. Дунё халқлари ўзбек рақсининг борлиғини билмаган бир даврда, уни жаҳоншумул даражага кўтарди. Фақат шугина эмас, биз қаерга борсак шу халқнинг рақс ларини ҳам ўрганиб қайтардик. Шу тарзда репертуаримизда хорижий ўйинлар дастури пайдо бўлди.

Йўллар, учрашувлар, турли мамлакатлар, турли халқлар билан мулоқотлар биз учун илҳом манбаи эди. Изланардик, ижод қилардик. Ҳозир исми-шарифи аниқ эсимда йўқ. Қайсидир мамлакатнинг таниқли адиби биз тўғримизда гапираётиб: «Баҳор» бу — дастурхоннинг гули» дегани ҳеч эсимдан чиқмайди.

— Илгари машҳур раққосалар ҳар қалай бор эди. Энди гўё камайиб кетаётгандек. Бунга сиз нима дейсиз!

— Фикрингизга тўла қўшиламан. Опа яшаган даврда номдор раққосалар кўп эди. Жумладан, халқ артистлари Тамарҳоним, Галия Измайлова, Бернора Қориева ва бошқалар. Улардан кейин ҳам пайдо бўлди. Улар Қизлархон, Дилафрўз, Малика ва Ферузалар. Номдор раққослар кўпайиши керак. Бу масала ўз ечимини кутмоқда. Санъат ҳам, тижорат ҳам ўз йўлига. Ҳар ким ўз севган ишини —савдогар тижоратини, санъаткор санъатини қилгани яхши. Ҳозир жамоамизга яна истеъдодли ёшлар кириб келмоқда. Улар кўнглимга ҳар қалай таскин беради. Чунки ёшларнинг эртаси порлоқ. Жумладан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулнора Низомова, Олима Ёқубова, Раъно Ёқубжонова, Эркин Рўзиматов, Учқун Алимуҳамедовлар келажаги умидли санъаткорлардан.

— Раққс ўта нозик санъат. Шу ҳақда фикрингизни билгиси эдик. Опа ижро этган шоҳ рақсларнинг айримларини эслатиб ўтсангиз.

— Рақс бу менинг жонидилим, ҳаёт-мамотим. Менимча, ҳаётда аввал рақс, кейин сўз пайдо бўлган. Биласизми, дунёдаги ҳамма нарса рақс тушишга интиқ; енгил учаётган капалакдан тортиб, гўзал оққушлару турналарга қадар. Дарахт япроқларини рақс тушганига ҳеч эътибор бергамисиз? Улар ҳам ҳаракатланиб, ўйнайди. Раққосанинг рақси эса энг такомиллашгани. Ана шу рақс билан гўзал бу ҳаёт. Рақс учун таржимонинг кераги йўқ. Уни дунё халқлари томоша қилиб, мазмунини тушунаверадилар. Назаримда у дилларни бир-бирига боғловчи кўзга кўринмас риштага ўхшайди. Жозибали рақс юракларга меҳр-оқибат уруғларини сочади. Рақс бу чиройли ҳаракатлар тажмуаси. Ундан тананинг барча аъзолари гўё тилга киради. Томошабин уларни англаб олаверади. Опа яратган рақсларнинг сони 200 дан ортиқ. Улар сарасида «Тановар», «Роҳат», «Катта ўйин», «Тошкент пиёласи», «Наманган олмаси» муҳимдир.

— Бадиий жамоангиз «Баҳор» дастаси ташкил бўлганининг 35 йиллигини ва Мукаррама Турғунбоеванинг 80 йиллигини қандай кутиб олмоқда!

— Янгиликлар кўп. Президентимиз Ислом Каримовдан шодиёнамизга тайёргарликда кўрсатаётган ёрдамлари учун чексиз миннатдормиз. Ҳукумат мадади билан «Баҳор» концерт кошонасида опанинг номи билан аталувчи музей ташкил этилди. Унда машҳур санъаткорга даҳлдор суратлар, мақолалар, асарлар, овозли ёзувлар, кийим-бошлар тўпланди. Янги студиялар иш бошлади. Рақс залимиз қайта таъмирланаяпти. Кўрянсизми, яна опанинг «Баҳор»га ёрдами тегяпти. Унинг руҳи гўёки бизни қўллаб-қувватлаётгандек. Шундай инсонлар бўларканки, улар келажакни олдиндан кўради. Авлодлар учун ҳам камтарона хизмат қилиб қўйганини ўшанда ҳеч ким ҳам сезмай қолаверар экан. Зеро, жаҳонга довруғи кетган «Баҳор» дастаси, яратилган миллий рақслар опанинг Ўзбекистон истиқлоли учун қилган улкан хизмати эмасми?..

Суҳбатдош:
Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.

ТЎКИНЧИЛИК ФАСЛИ

Июнда табиат ўзига хос мафтункор бўлади. Ҳар бир дарахтзордан тўхтовсиз сайроқи овозлар эшитилади. Қушлар ҳаяжонли нола қилишади, чақчақлашиб ўз овозидан завқлангандек чулдирашади. Бунинг сабаби шундаки, уяларда ҳали ирғизнинг сариги кетмаган қуш болалари вояга етмоқда. Уларни озиқлантириш, учишга ўргатиш, таълим бериш керак. Лекин улар кўпинча қулоқ солишмайди. Қизиқиш устун келиб уядан атрофга бош чўзишади, дунёни тезроқ танигилари келади. Ҳолбуки, бу қизиқиш жуда қимматга тушиши мумкин.

Июнь арафасида бу йил ёғингарчилик, жала кўп бўлди. Гўза неча марталаб қайта экилди, сув тармоқлари устма-уст таъмирланди. Оби ҳаёт сероблиги кўзга ташланади. Хуллас, ташвишлар етарли. Зеро, учинчи йилдирки, май ва июнь ойида об ҳаво аввалгиларига ўхшамаяпти. Ҳозирги кунда қуш болаларининг уяларини тарк этишлари кечикмоқда. Йиртқич ҳайвонлар ҳам ўз авлодини ҳали овга олиб чиқишга улгурмади. Бўри, тулки, қорсак, бўрсиқ каби ҳайвонлар ҳали болаларини ичидан ташқарига чиқаришгани йўқ. Лекин июнь келиши билан офтоб жадал исита бошлайди. Бунинг ёмон жиҳати шундаки, ялпи намгарчиликдан сўнг куннинг қизиб кетиши далалар, тоғ этаклари, боғлар, хиёбонлар, дарахтзорлар анча муддат дим бўлиб туришига олиб келади.

Июнь охирига келибгина Жиззах чўлида, Қашқадарёнинг яйдоқ кенгликларида чўл тошбақалари ва юмронқозиқлар кўздан ғойиб бўлишади. Одатда тошбақалар бу пайтда уйқуга кетишади. Лекин ёзнинг бошланиши кечикканлиги сабабли тошбақаларнинг фаоллиги ҳам кечикиброқ сусаяди. Судралиб юрувчи ҳайвонлар ҳам узоқ муддатли уйқуга кетишдан олдин танасига ёғ тўплаб олишлари керак. Чўл ва қумларда яшайдиган бошқа ҳайвонлар эса ёзнинг дастлабки ойида анча ҳаракатчан бўлишади.

Сирдарё ва Амударё соҳилларида, Зарафшон ва Чирчиқ, Оҳангарон ва Арнасой сув ҳавзаларида июнда балиқлар сероб бўлади. Лекин қаерда балиқ овлаш мумкину, қаерда мумкин эмаслигини олдиндан билиб олган маъқул. Бу ойда айниқса лаққа балиқ тутиш кўнгилли ишдир. Уни қурбақага, ит балиққа ёки чумчуқ боласига илинтириш мумкин. Зотан йирик лаққаларни овлай оладиганлар устаси фаранг ҳисобланади.

Июнда қишга ем-хашак тайёрлаб қўйиш қатта аҳамиятга эга. Бу йил кўкатлар бўлиқ, дармондориларга серобдир. Улар қишга ғамлаб қўйилса, илик узиладиган пайти жуда кўп келади. Ахир ёзнинг бир куни бутун қишни боқади дейишлари бежиз эмас. Шунга биноан ёз палласида ем-хашак тайёрлаш учун бирор соатни ҳам кўлдан бермаслик керак.

Шуни айтиш керакки, ўсимликларнинг барқ уриб ривожланиши, кўкатларнинг мўллиги туфайли кузга келиб сичқонлар кўпайиши мумкин. Емхашак ғамлайдиганлар буни унутмаслиги зарур. Шу мақсада ёзда қишлоқ хўжалик мақсулотларининг асосий кушандалари — сичқонлар сонини камайтириш тадбирларини кўриш даркор. Шу йўл билан 12 фоизгача миқдорда ҳосилни асраб қолиш мумкин.

А. ЛЕСНЯК.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 134-ўрта мактаб томонидан Равшан Николаевич ТОЖИЕВ номига берилган 8-синфни битирганлиги ҳақидаги Б 597754-сонли йўқолган гувоҳнома бекор қилинади.

(Газетамизнинг навбатдаги сони 3 июнда чиқади).

Бош муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ГОФУРОВ (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, К. РИҲСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узплодоовошчвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Деҳқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000096. Буюртма Г—223. 31890 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 22.00

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6.